

Хабар

20
(974)-son

20-may

www.xabar.uz
info@xabar.uz

2011

О'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

АКТ ИСТИҚБОЛИ

мамлакатимизни модернизация қилишда муҳим омилдир



Мамлакат мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ Президентимиз Ислоҳ Қаримов: "Биз яқин йиллар давомида алоқа ва телекоммуникация ривожини буйича жаҳон стандартлари даражасига кўтарилишимиз лозим. Ривожланган коммуникация тизими бўлмаса, Ўзбекистоннинг келажаги бўлмайди. Биз буни аниқ ҳис қилишимиз лозим", деган эди.

Ушбу дастурий вазифалардан келиб чиқиб, мамлакатимизда компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникация ва маълумот узатиш тармоқлари, интернет хизматларини ривожлантириш ва замонавийлаштириш, уларни дунё стандартларига етказиш мақсадида кенг қўламли ислохотлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Ана шундай саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, юртимиз мобил алоқанинг ривожланиши кўрсаткичи буйича дунёда етакчи ўринни эгаллаган ўнта мамлакат қаторидан жой олди. Мамлакатимизда мобил алоқа хизматидан фойдаланувчилар сони 2000 йилга нисбатан 200 баробарга ошди, ҳозирги кунда 20 миллиондан ортиқ абонентни ташкил этаётгани ана шу муваффақият омилларидан биридир. Яна шунини фахр ва ифтихор билан эътироф этиш жоизки, бугун Ўзбекистонда собиқ иттифоқ ҳудудида биринчилардан бўлиб рақамли ва кенг форматли телевиденига тўлиқ ўтиш буйича катта миқёсдаги дастур амалга оширила бошланди. Бу жараён яқин йиллар ичида, яъни 2015 йилда якунланади.

5-бет

Сўнгги янгилик!



Алоқа оламида:

Техас университети (A&M) олимлари эскирган компьютер мониторларини сенсор қурилмаларга айлантирувчи ўзига хос "экрэнсиз экран" технологиясини ишлаб чиқришди.

ZeroTouch деб номланган бу янгилик датчиклар тизимидан иборат бўлиб, инфракизил "ўргимчак тури"ни юзага келтиради. Инфракизил тўрлар ўзаро туташ бўлиб, туташ нуқталарда бегона объект пайдо бўлса сигнал беради. Тизим бир пайтнинг ўзида йигирматагача алоҳида объектларни аниқлай олади.

Тизим нафақат инсон бармоғи ёки стилусни, балки қўлнинг ўзини, турли буюмларни пайқашни унинг турли соҳалар, масалан, компьютер ўйинларида қўлланилишига кенг йўл очиши кутиляпти.

Ушбу сонда:

■ Ягона мақсад	2
■ Масъулиятсизликнинг чеки борми?..	4
■ Информационная и социальная поддержка предпринимателей	6
■ Марка ўрнига – SMS	11
■ Жаҳон чемпионатидаги рақибларимиз	15

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Aloqa Print

• СИФАТЛИ
ТЕЛНОР
• ПОЛИГРАФИЯ
иша илюдий бидашув

Буклетлар, плакатлар, постерлар, визиткалар, бланкалар, открыткалар, блокнотлар, папкалар, хилма-хил календарлар, журналлар ва каталоглар тайёрлаймиз

Манзил: Амор Телнор кўч., 1/2
Тел.: (+998 71) 236 13 34, 236 39 49
Факс: (+998 71) 233 85 86
Хизматлар алоқасиз қилинганда www.aloqaprint.uz

**Umadan
umagacha**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Ҳиндистон Республикаси Президенти Пратибхи Патилнинг тақлифига биноан 2011 йил 17-18 май кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди. Ташриф чоғида Ўзбекистон – Ҳиндистон ҳамкорлигини кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинди. Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ ҳамда Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмиталари томонидан “Хабеас корпус институтининг қўлланиш доирасини кенгайтириш” мавзuida конференция ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида палатанинг Қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастурига мувофиқ, шунингдек, ЎзЛиДеП фракциясининг ташаббусига кўра, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг “Ўзбекистонда дастурий таъминот индустриясини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги масала бўйича ахбороти юзасидан парламент эшитуви бўлиб ўтди.

Тошкентда 13 май кунини “VI Умумжаҳон сув форуми сари – сув хавфсизлиги йўналишида ҳамкорликдаги саяё-ҳаракатлар” мавзuida икки кун давом этган халқаро конференция ўз иш-ини якунлади. Мазкур анжуман 2012 йилнинг март ойида Франциянинг Марсел шаҳрида бўлиб ўтадиган VI Умумжаҳон сув форумига катта тайёргарлик жараёни доирасида Умумжаҳон сув кенгаши кўмағида ташкил этилди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон ва Германия ишбилармон доиралари иштирокида кооперация биржаси ўтказилди.

Франциянинг “Pantheon Assas Paris II” университети профессори Жак Барранинг мамлакатимизга ташрифи доирасида жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетиди “Ўзбекистон геосиёсати” мавзuida семинар бўлиб ўтди. Семинар таниқли олимнинг “Ўзбекистон геосиёсати” китобининг асосий концептуал қоидалари таҳлиliga бағишланди.

“Ўзэкспомарказ” мажмуасида “Энергетика – Power Uzbekistan-2011” VI Халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси бўлиб ўтди. Мазкур нуфузли тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, “Ўзбекэнерго” ДАК, Савдо-санот палатаси кўмағида “ITE Uzbekistan” кўргазмалар компанияси томонидан ташкил этилди.

Тошкентдаги Алоқа тарихи музейида “Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқаришда телекоммуникациялар операторлари билан ҳамкорликни ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари” мавзuida амалий семинар-йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги кўмағида “Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази” ДУК томонидан ташкил этилди.

Ягона мақсад

Семинарда тегишли вазирлик ва идоралар, корхона ва ташкилотлар, телекоммуникация операторларининг вакиллари қатнашди.


Йиғилишни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Х.Муҳитдинов кириш сўзи билан очди. Соҳа раҳбари семинар ишига муваффақият тилаган ҳолда ҳукуватимиз томонидан белгилаб берилган, бевосита алоқачилар томонидан ва уларнинг ҳамкорлигида амалга ошириладиган ишлар — кенг полосали интернетни ривожлантириш, рақамли телевидениени жорий этиш, олий таълим масканлари, ахборот-кутубхона марказлари учун алоҳида тармоқлар яратиш каби истиқболли лойиҳаларга тўхталиб, бу борада операторларнинг ҳамкорлигига урғу берди, шу жиҳати билан ҳам семинар долзарблик ва муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Шундан сўнг навбат маърузачиларга берилди. Дастлаб “ЎзТГБРМ” ДУК директори ўринбосари Л.Михайленко корхона фаолияти ҳақида йиғилганларга батафсил маълумот берди.

Марказ Ўзбекистон телекоммуникация ресурсларини ривожлантириш, улардан оқилона фойдаланиш ва самарали ишлатилишини таъминлаш мақсадида мувофиқлаштириш ишларини олиб борапти. Айни пайтда телекоммуникация тармоқларини бошқариш, технологик жараёнлар ва автоматлаштириш, оператив бошқариш, шартномалар ва ўзаро ҳисоб-китоблар бўлимлари фаолияти йўлга қўйилган.

“Ўзбектелеком” АК ва унинг филиаллари фаолияти тўғрисида компания бош директорининг биринчи ўринбосари Қ.Йўлдошев маъруза қилди. Маърузачининг таъкидлашича, компания маҳаллий телефон тармоғида жами станциялар сони 1761тани ташкил этади, шундан 607таси шаҳарларда, 1154таси қишлоқларда ўрнатилган. Компания теле-

МАҲАЛЛИЙ ИНТЕРНЕТ ПРОВАЙДЕРЛАРИГА АЖРАТИЛГАН ИНТЕРНЕТ КАНАЛЛАРИ ТЭЗЛИГИНИНГ ОШИШИ ДИНАМИКАСИ



2011 йилда xDSL технологиясидаги тармоқни кенгайтириш ва фойдаланувчилар сонини 100 мингга етказиш режалаштирилмоқда.

фон станцияларининг умумий сийми 2052702 рақамни, фойдаланилаётган сийми 1828680 рақамни ташкил этади. Шаҳар станциялари тўлиқ рақамлаштирилган, қишлоқларда эса бу кўрсаткич 158 196 нуқтадан иборат.

Маърузачи, шунингдек, CDMA 450 стандартида кўрсатилаётган хизматлар, транспорт телекоммуникация тармоғи, қўшни давлатлар операторлари билан ташкил этилган халқаро ўтиш нуқталари, халқаро интернет провайдерларига ажратилган каналлар, компания интернет хизматлари тарифлари, инфратизим объектиларини телефонлаштириш ҳолати ҳақида маълумот берди.


2011 йил учун белгиланган устувор вазибаларга тўхталаркан, маърузачи xDSL технологиясидаги тармоқ-

ни кенгайтириш ва фойдаланувчилар сонини 100 мингга етказиш, FTТх технологияси асосида тармоқни қуриш ва юқори тезликдаги маълумотлар узатишни жадал ривожлантириш ва замонавий хизматларни амалга киритиш, CDMA 450 тармоғини кенгайтириш (EVDO) (113000га етказиш), “Электрон таълим” лойиҳасини амалга ошириш, республика магистрал ва зонаичи тармоғини реконструкция қилиш, кенгайтириш ва захиралаш, халқаро коммутация марказларини реконструкция қилиш (NGN), “Маълумотлар маркази”ни модернизация қилиш (захира, контент сервис), кенг полосали технология асосида IPTV хизматини жорий этиш, “TELEHOUSE” марказини ташкил этиш, телекоммуникация воситаларини эксплуатация қилиш жараёнида замонавий энергия тежовчи қурилмаларини татбиқ қилиш режаси билан таништирди.

Семинарда, шунингдек, “ЎзТГБРМ” ДУК бўлим бошлиғи Б.Тиллабоевнинг “Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларининг автоматлаштирилган бошқариш тизимини яратишда мавжуд масалалар ва уларнинг ечимлари”, “Ўзбектелеком” АК “ШАК” филиали бош мутахассиси Р.Селимовнинг “Телекоммуникация тармоқларининг марказлаштирилган маълумотлар базасини юритишда мавжуд масалалар ва уларнинг ечимлари” мавзусидаги маърузалари тингловчилар эътиборига ҳавола этилди.


Семинар якунида қатнашчилар Ўзбекистондаги телекоммуникация операторлари ҳамкорлигини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича махсус ишчи гуруҳи ташкил этиш борасида бир тўхтамга келишди.

ХАЛҚАРО ИНТЕРНЕТ КАНАЛЛАРИ ЎСИШИ ДИНАМИКАСИ Мб/с



Радиоалока технологиялари: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Ўзбекистон Алоқа тарихи музейида 18 май куни “Радиоалока технологиялари: қўлланилиши, хусусиятлари ва истиқболлари” мавзуда илмий-техник семинар бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси радиочастоталар бўйича Давлат комиссияси, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази – “UNICON.UZ”, Радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти, Электромагнит мослашув маркази томонидан ташкиллаштирилди.



тайёргарлик ҳақида, Nokia Siemens Networks компанияси менежери М.Ванукки IP Microwave технологияси, “PPTM” ДУК техник директори Б.Обидов мамлакатимизда рақамли телевидениени жорий этишда юзага келаётган техник муаммолар ва уларнинг ечимлари тўғрисида атрофлича маълумот беришди.

“UNICON.UZ” мутахассислари “Интеллектуал радиотизимлар” (И.Икромов), “Юқори кенг полосали алоқа технологиялари ва уларнинг қўлланилиши” (А.Қодиров), “Мобил алоқа тизими база станцияларининг концентраторли фотоэлектрик энерготаминоти” (А.Атаниёзов) мавзуларидаги маърузалари билан қатнашишди. Тошкент ахборот технологиялари университети ўқитувчи ва талабалари эса кенг полосали рақамли алоқа тизимларида модуляциялаш усуллари, алоқа тизимларида кенг полосали сигналлардан фойдаланиш самардорлиги, кўп станцияли алоқа ти-

зимларида частота полосаларидан самарали фойдаланиш, телерадиоуза-тиш дастурларини сақлаш усуллари ва маълумотлар базасига интерактив боғланиш, телерадиоуза-тиш сигналлари-га ишлов бериш ва зичлаштириш, WiMAX тармоқларида интеллектуал антенна технологияларидан фойдаланиш, TD-LTE ва WiMax технологиялари ҳақида ўз маърузалари билан чиқиш қилишди.

Шунингдек, кенг полосали радиобогланишнинг янги технологиялари, эфир телевидениеси хизматини ташкил этишда биллинг тизими имкониятлари, рақамли радиоэшиштиришнинг истиқболли технологиялари, LTE (4G) тармоқларини лойиҳалаштириш ва куриш каби мавзулар кенг муҳокамага сабаб бўлди.

Ўзаро тажриба алмашиш мақсадларига хизмат қилган мазкур семинарда тингловчилар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олишди.

С.ТЕМИРОВ

Ахборот асрининг яна бир одими

XXI аср ахборот асри эканлигини барчамиз яхши биламиз.

Навоий шаҳрининг марказий кўчалари кесишган жойда “Дўстлик байроғи” ва “Знамя дружбы” газеталари таҳририяти давлат корхонаси томонидан диодли ёритгич экрани ўрнатилиб, реклама берувчилар учун энг замонавий ахборот тарқатиш имконияти яратилди. Мазкур экран вилоятдаги биринчи ёритгич экран, шунингдек, республикамиздаги биринчи LED дисплей ҳисобланиб, сифатли видео-тизим йўналишида ишлаб чиқарилган. Унда 16 квадрат метр шаклдаги рекламаларни жойлаштириш имконияти мавжуд.

Бугунги кунда шаҳарликлар унда республика ва вилоят ҳудудидаги янгиликлар, ўзгаришлар ҳақидаги маълумот ва лавҳалардан баҳраманд бўлишмоқда.

Рекламанинг бундай қулай ва замонавий усули истиқлол йилларидаги тараққиётимиз даражасини кўрсатадиган асосий мезонлардан бири бўлиб қолади, десак муболага бўлмайди.

Маруся ҲОСИЛОВА,
“Xabar”нинг

Навоий вилоятидаги мухбири

YOZ — 2011



Тайёргарлик КИЗГИН

Йил давомида болаларнинг шовқин-сурони билан тўлган мактабларда ҳадемай сокинлик ҳукм сура бошлади. Ўқув йили тугаб, сўнгги кўнгироқлар чалинишига ҳам оз фурсат қолди. Демак, кўп ўтмай мактаблардаги ғала-ғовур, болаларнинг шодон қийқариқлари болалар ёзги оромгоҳларига кўчади.

Республикамизнинг барча бурчақларидаги каби “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиалига қарашли “Алоқачи” ҳамда “Нилуфар” болалар оромгоҳларида ҳам мавсумга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Ошхона, бассейн, йўл ва йўлакчалар тартибга келтирилиб, ётоқхоналардаги шароит қайтадан кўздан кечирилмоқда, керак жойлари таъмирланыпти.

— Алоқачиларнинг фарзандлари бу йилги мавсумда тўрт мавсумда соғломлаштириладилар, — дейди филиал касаба уюшмаси қўмитаси раиси Асқар Абдуллаев. — Жумладан, “Алоқачи”да ҳар мавсумда 320 нафар, “Нилуфар”да эса ҳар мавсумда 220 нафардан бола ҳордиқ чиқаради. Айни пайтда сўнгги таъмирлаш ишлари олиб борилаяпти. 25 майда ҳар икки оромгоҳ фойдаланишга топширилади.

Ўз мухбиримиз

Тадбиркорлар хонаси

ОАТ “Алоқабанк” Фарғона вилояти бўлими жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дастури тўғрисида”ги қарорига асосан, тадбиркорлар ва кичик бизнес вакиллари ҳамда фермерларнинг оғирини енгил, узогини яқин қилиш, мижозларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга қулайликлар яратиб бериш борасида арзигулик ишларни амалга оширмоқда.

Этиборлиси, ушбу банкда тадбиркорлар учун алоҳида хона ташкил этилиб, замонавий ахборот технологиялари, жумладан, сўнгги русумдаги компютер жамланмаси, телевизор, факс, нусха кўчириш, тезкор алоқа воситалари, юмшоқ мебеллар билан таъминланган.

Тадбиркорлар хонасида “Банклар — тадбиркорларнинг ҳамкори ва таянчи”, “Банклар — тадбиркорларнинг беминнат кўмакчиси” каби шиорлар илиб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, Ўзбекистон Марказий банки-

нинг меъёрий ҳужжатлари, тадбиркорликка оид қонушлар ҳамда норматив-меъёрий ҳужжатлар, адабиётлар ОАТ “Алоқабанк”нинг вилоят, республика идоралари ишонч телефонлари рақамлари ёзиб қўйилган. Бу ерга ташриф буюраётган мулкдорларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида банк ходимлари ва мутахассислар томонидан қисқа ва узоқ муддатли ҳамда имтиёзли кредитлар олиш, касаначилик, сармояни мақсадли ишлатиш йўллари ҳақида тушунча ва маълумотлар берилмоқда.

Дарҳақиқат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг мустаҳкам қанотиға айланиб бормоқда.

Умид қиламизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада ривожланишида “Алоқабанк”нинг Фарғона вилояти бўлимида ташкил этилган тадбиркорлар хонасидаги амалий ишлар муносиб ўрин эгаллайди.

Муҳаммадҷон МАҲМУДОВ

МАТБда байрам тадбири

Махсус авария-тиклаш бошқармасида Алоқачилар куни ҳамда 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган байрам маросими ўтказилди. Ушбу маросимда бошқармамиз муддатли ҳарбий хизматчилари, шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар, зобитлар ва фахрийлар иштирок этишди. Маросимда бошқарманинг фаол ишчи ва ҳарбий хизматчиларига раҳбарият томонидан фахрий ёрликлар топширилиб, миннатдорчиликлар билдирилди.

Шунингдек, ушбу тадбирда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши етакчи мутахассиси Суннатилла Абдуғаниев иштирок этди ҳамда ўзининг эсдалик совғаларини ҳарбий хизматчилар ва фахрийларга топширди. Тадбирга ташриф буюрган Тошкент ахборот технологиялари университети касаба уюшмаси қўмитасининг бадийи ҳаваскорлик жамоаси кўнгилочар ва ватанпарварлик туйғусидаги куй ва қўшиқлари билан маросимга ўзгача файз бағишлади. Ҳарбий жамоа ва меҳмонлар шарафига байрамона дастурхон тайёрланиб, ош тортиди. Ушбу сана ёш аскарларимиз ҳамда фахрийларимиз ҳаётида унутилмас кун бўлиб қолади.

Ш.КУРАЙШЕВ,

МАТБ (15361-сонли ҳарбий қисм)

тарбиявий ишлар бўлими бошиғи, капитан

Xalqaro haqot

ИОРДАНИЯГА МИЛЛИАРД ДОЛЛАР

Иордания иқтисодийтини ривожлантириш мақсадида АҚШлик инвесторлар бу мамлакатга 1 миллиард доллар агрофида сармоа ажратди.

Бу ҳақда АҚШ президенти Барак Обама Иордания қироли Абдулла II билан Вашингтондаги учрашуви чоғида маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, бундан ташқари, дунё бўйлаб умумистемол товарлари нархларининг кескин кўтарилигани боис, АҚШ Иорданияга 50 минг тонна бугдой жўнатишга ҳозирланмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Иордания қиролининг АҚШга бўлган сафари Яқин Шарқ ва Шимолий Африкадаги нотинч вазиятни юмшатиш билан боғлиқдир.

САККИЗ КИШИ КОН ОСТИДА ҚОЛДИ

Колумбиянинг жануби-шарқидagi кўмир қонида содир бўлган ўпирилиш оқибатида саккиз киши кон остида қолиб кетди. Маҳаллий ҳокимиятнинг хабар беришича, воқеа сешанба кuni эрталаб Кали шаҳрига яқин жойда рўй берган. Тахминий маълумотларга кўра, қончилар шахта оғзидан 60 метр чуқурликда қолиб кетган.

Шахтадан эшитилаётган товушларга қараганда уларнинг тирик эканлиги айтилмоқда.

Ҳозирча ушбу ҳудудда ёққан кучли ёмғир ўпирилишга сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Айни дамда ҳалокат жойида эликка яқин қутқарувчилар иш олиб борапти.

ҲАМАС ва ФАТХ: МУЗОКАРАЛАР БОШЛАНДИ

Қоҳирада Фаластиннинг асосий ҳаракатлари ФАТХ ва ҲАМАС вакиллари ўртасида вақтинчалик миллий бирлик ҳукумати тузиш бўйича музокаралар бўлиб ўтди. Музокараларда ФАТХ назоратидаги Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғини 2007 йилда ҲАМАС ҳукумати томонидан эгаланган Ҳазо минтақаси билан бирлаштириш ҳақидаги ҳар икки томонга тааллуқли масала кўриб чиқилди. Томонлар, шунингдек, йил давомида Фаластин ҳудудида умумий сайловларни ўтказишга тайёрланиш масаласини ҳам муҳокама қилдилар.

Фаластин миллий маъмурияти раҳбари Маҳмуд Аббос ҳамда ҲАМАС сиёсий бюроси бошлиғи Ҳолид Машал томонидан шу йилнинг май ойи бошида Қоҳирада тинчлик ҳақидаги келишув имзоланганди.

ЭРОН АРМИЯСИДА БАЛЛИСТИК РАКЕТА

Эрон қуроли кучлари баллистик ракетага эга бўлди. Бу ҳақда мамлакат мудофаа вазири Аҳмад Воҳидий маълум қилганини ёздаи Эроннинг IRIB News телевидениеси расмий сайти.

Вазирнинг сўзларига кўра, армияга баллистик ракета ва бошқа бирга қатор ҳарбий ишланмалар Хуррамшаҳр шаҳрининг Ироқ оккупациясидан озод қилинган кун шарафига етказиб берилган.

Хуррамшаҳр мамлакат жануби-ғарбидagi Хузестон музофотидаги порт шаҳар ҳисобланади. Эрон-Ироқ урушининг биринчи кунларидаёқ шаҳар қамал қилинади. 1982 йилнинг баҳорида Эрон Ироқ қўшинларига қарши ҳужумкор амалиёт бошлади. Натигада 24 май кuni Хуррамшаҳр озод қилинади ва уруш давомидаги Эроннинг энг йирик ҳарбий муваффақияти сифатида тарихда қолди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2009 йил 30 декабрдаги 4/1-Г-сонли қарори билан тасдиқланган 2010 йил текширишлар режа-жадвалига асосан, 2010 йилнинг апрел ойида "NAVOIY KON METALLURGIYA KOMBINATI" давлат корхонаси, октябр ойида эса "NAVOIYAZOT" очик акциядорлик жамиятида назорат текширувлари ўтказилди.

Масъулиятсизликнинг чеки борми?..

Ўтказилган режали текширишлар жараёнида:

- "NAVOIY KON METALLURGIYA KOMBINATI" давлат корхонасига қарашли бўлган телеузаткичлар белгиланган частота параметрларига жавоб бермаслиги, хоризий телеканаллар тарқатиш учун муаллифлик ҳуқуқини берувчи шартномалар расмийлаштирилмасдан тарқатилаётганлиги, телеузатиш маркази ҳамда Навоий РТУМга телерадио узатиш объектларида санитария, кўриқлаш ва ёнгин хавфсизлиги органларининг хулосалари мавжуд эмаслиги, ўлчов воситалари метрологик кўриқдан ўтказилмаганлиги ҳамда метрологик таъминоти бўйича йиллик режа ишлаб чиқилмаганлиги;

- телекоммуникациялар тизимида мавжуд бўлган, яъни эскирган станциялар янги рақамли станцияларга ўзгаририлган бўлса-да, доимий фойдаланишга топширилмасдан фойдаланиб келинганлиги;

- "NAVOIYAZOT" ОАЖ илоравий радиоалоқа тармоғида фойдаланиб келинаётган радиостанциялар учун мувофиқлик сертификатлари мавжуд эмаслиги, мавжуд ўлчов воситалари метрологик кўриқдан ўтмаганлиги ва метрологик таъминоти бўйича йиллик режа ишлаб чиқилмаганлиги, кросс, шахта, ток тўрилоғич (выпрямитель) ва аккумулятор хоналарининг хавфсизлиги таъминланмаганлиги, линия-кабел ҳўжалигининг сақланишини таъминлаш юзасидан ҳужжатлар талабларининг бузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

"NAVOIY KON METALLURGIYA KOMBINATI" томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2005 йил 7 декабрда 1531-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида радиоэлектрон воситалар ва радиочастоталар спектридан фойдаланишни тартибга солиш тартибини тасдиқлаш тўғрисидаги низом, Нодавлат телерадиоэшийтириш объектларини кўриқлаш ва хавфсиз ишлатишни таъминлаш тўғрисидаги йўриқнома, ШНК 3.01.04-04 Қурилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш шаҳарсозлик нормалари ва қондаларининг талаблари бажарилмаган.

"NAVOIYAZOT" ОАЖда эса RN 45-092:2007 "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ўлчашлар бirlигини таъминлаш тизими. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг ҳўжалик юрлтувчи субъектларида метрологик таъминот бўйича ишлаш режасини тузиш ва ҳисобот шакллариини тасдиқлаш" раҳбарий ҳужжат, O'z DSt 081.8.011:2004 "Ўзбекистон Республикасининг ўлчашлар бirlигини таъминлаш давлат тизими. Ўлчаш воситаларини метрологик аттестациялаш, ташкил этиш ва ўтказиш тартиби", Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги "Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қондаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 210-сонли қарорининг талаблари бажарилмаган.

Аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф этиш юзасидан "NAVOIY KON METALLURGIYA

KOMBINATI" ва "NAVOIYAZOT" ОАЖга тегишли кўрсатмалар берилди ва бажарилиши назоратта олинди.

Бундан ташқари, ўрганиш жараёнида Бешрабод почта алоқаси тармоғининг учта алоқа бўлимида 2009 йил 24 декабр кuni "Ўзстандарт" агентлиги Навоий вилоят синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси ходимлари томонидан қисқалдан ўтказилганда яроқсиз деб топилган электрон тарозилардан фойдаланиб келаётганлиги маълум бўлди. "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Навоий филиали томонидан ушбу электрон тарозиларни таъмирлаш ёки ангайсига алмаштириш юзасидан тегишли чоралар кўрилмаган. Шунингдек, филиал томонидан вилоят ДАИга тақдим этиб келинган ҳар чораклик маълумотларда Бешрабод почта алоқаси тармоғининг "Оқолтин" алоқа бўлимида "Ўзобайл" алоқа корхонаси телефон алоқаси мавжудлиги кўрсатиб келинган бўлса-да, ўрганиш жараёнида алоқа бўлимидаги телефон аппарати 2009 йил сентябр ойида яроқсиз ҳолга келгани ва филиалга таъмирлангани учун телефон алоқаси йўқлиги маълум бўлди. Ушбу алоқа бўлимини телефонлаштириш масаласи ҳам почта алоқаси тармоғининг ўрганиш натижалари юзасидан тузилган чора-тадбир режасига киритилгандан сўнг 2010 йилнинг 4 чорагида ҳал этилди.

Ўтказилган ўрганишлар натижалари вилоят ДАИ, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Навоий филиали ва тармоқ ходимлари иштирокида муҳокама қилиниб, камчиликларга йўл қўйган ходимларга несбатан филиал раҳбарияти томонидан тегишли интизомий жазо чоралари кўрилди.

2010 йил давомида Навоий ва Зарафшон шаҳар ҳамда Бешрабод почта алоқаси тармоқларида вилоят Давлат алоқа инспекцияси томонидан ҳамкорликда ўтказилган ўрганишлар натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Навоий филиалининг почта алоқаси тармоқлари томонидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, камчиликларни бартараф этиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмаганлиги, огоҳлантириш хатлари чиқарилмаганлиги каби бир қатор камчиликлар аниқланди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ва Давлат алоқа инспекцияси ўртасида 2010 йил учун ҳамкорликда ишлаш бўйича имзоланган келишувга асосан, 2010 йил давомида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Навоий филиалининг Бешрабод, Навоий, Зарафшон почта алоқаси тармоқларида ҳамда ушбу тармоқларнинг алоқа бўлимидаги соҳага оид меъёрий ҳужжатлар талабларининг бажарилиши ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши юзасидан филиал ходимлари билан ҳамкорликда ўрганишлар ўтказилди. Ўрганишлар жараёнида почта алоқаси тармоқлари тасдиқланган номинал рўйхат асосида қонуний ва меъёрий ҳужжатлар билан тўлиқ таъминланган бўлишига қарамастан, филиал томонидан ходимлар билимини оширишга қаратилган чора-тадбирлар режаси-

нинг белгиланган муддатларда тўлиқ бажарилишини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмапти.

Ушбу чора-тадбирлар режасининг тўлиқ бажарилиши ва аниқланган камчиликларни белгиланган муддатларда бартараф этилиши учун "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Навоий филиали томонидан жиддий эътибор қаратилиб, назорат олинмагани натижасида ҳузургача Навоий ва Зарафшон шаҳар почта алоқаси тармоқлари бўйича тузилган чора-тадбирлар режасининг иккитадан банди ҳамда Бешрабод почта алоқаси тармоғи бўйича тузилган чора-тадбирлар режасининг битта банди ижроси таъминланмаган.

Давлат алоқа инспекциясининг универсал почта алоқаси хизматларини кўрсатиш сифати назоратини кучайтириш тўғрисидаги 2010 йил 19 февралдаги 62-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида вилоят Давлат алоқа инспекцияси томонидан "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Навоий филиалининг туман ва шаҳар почта алоқаси тармоқларидан вилоят ичида ва вилоятлараро назорат хатлари (оддий ва бюрютмали) жўнатиш орқали почта алоқасининг универсал хизмати мониторингини ўтказилиб, хат-хабарли почта жўнатмаларининг расмийлаштирилиши, ишлов берилиши, уларга тарифларнинг тўғри қўлланилиши ҳамда белгиланган назорат муддатларининг бажарилиши назорати олиб борилди.

Жумладан, ўтган йил давомида ўтказилган мониторинг натижалари бўйича таҳлил қилганимизда, вилоят ичида ҳар ойда 10 донадан жўнатишган — жами 120 наза назорат (60 дона оддий ва 60 дона бюрютмали) хатларидан 21 донаси ёки 17,5 фоизда ҳамда ҳар чоракда 26 донадан вилоятлараро жўнатишган жами 104 наза назорат (52 дона оддий ва 52 дона бюрютмали) хатларидан 21 донаси ёки 20,1 фоизда почта корхонаси ходимлари томонидан хатларини қабул қилиб расмийлаштириш, ишлов бериш ва етказиб бериш жараёнида камчиликларга йўл қўйилганлиги натижасида "Почта қондалари" талабларининг бузилиши ҳолатларига йўл қўйилган.

Юқоридаги ҳолатлардан кўриниб турибдики, жойларда почта жўнатмаларини қабул қилиш, уларга ишлов бериш ва белгиланган муддатларда етказиб берилишида почта алоқаси тармоқларининг масъул ходимлари томонидан соҳага тегишли қонуний ва норматив ҳужжатлар талаблари асосида иш ташкил этилмапти ёки ўз хизмат вазифаларига масъулият билан ёндашилмапти ҳамда филиал томонидан камчиликларни бартараф қилиш ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга жиддий эътибор қаратилмапти.

Навоий вилоят Давлат алоқа инспекцияси томонидан почта алоқаси хизматлари сифатини яхшилаш мақсадида почта алоқаси тармоқларининг тегишли масъул ходимларига почта жўнатмаларини қабул қилиш, ишлов бериш ва белгиланган муддатларда етказилишида қонуний ва норматив ҳужжатлар талаблари асосида ишни ташкил этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Ҳ.ОРЗИҚУЛОВ,
Навоий вилояти ДАИ бошлиғи



АКТ ИСТИКБОЛИ

мамлакатимизни модернизация қилишда муҳим омилдир



(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Президентимизнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққийини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” деб номланган кенг қамровли маърузасида ўтган йили мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилган улкан ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари чуқур таҳлил этилиб, жорий йилдаги режа ва мақсадлар аниқ-равшан белгилаб берилган эди.

Юртбошимиз мазкур маърузасида 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини танқидий баҳолаш баробарида, 2011 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини белгилаб берди.

Аёнки, ана шу йўналишларни бажариш борасида биз депутатлар зиммасида ҳам жиддий масъулият бор. Хусусан, демократлаштириш жараёнларида аҳамияти тобора ортиб бораётган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатларини янада мустаҳкамлаш, бу борадаги мавжуд қонун ҳужжатларига бугунги давр талабидан келиб чиқиб ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, янги қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, улар ижроси устидан парламент назоратини доимий равишда таъминлаб бориш қўмитамиз аъзолари олдида турган биринчи навбатдаги вазифалардан ҳисобланади.

Чиндан ҳам, бугун дунёда ахборот-коммуникация технологиялари кескин ривожланиб бормоқда. Тараққий этган давлатларнинг ушбу соҳа ривожига алоҳида эътибор бераётгани бежиз эмас. Бинобарин, бугун ахборот-ком-

муникация технологиялари орқали узатиладиган ахборот жамият ривожининг энг муҳим шартларидан бирига айланди. У ишлаб чиқариш ресурси, инсонлар орасидаги алоқани таъминловчи қудратли восита сифатида намоеён бўлмоқда. Шу боис ҳам халқ ҳўжалиги ва жамиятнинг ахборот узатиш тезлиги ҳамда сифатига бўлган талаблари кун сайин ортиб бормоқда.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини жадал суръатлар билан ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодиётида амалга ошириляётган таркибий ўзгаришлар ҳамда иқтисодий ислохотларнинг бош йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки бу йўналиш нафақат республикани ахборотлашган жамиятга айлантириш учун хизмат қилади, балки мамлакатимиз иқтисодиётини жадал суръатлар билан ривожлантиришда ўзига хос локомотив ролини ўйнайди.

Фуқароларимизнинг интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятлари йил сайин кенгайиб бораётгани аҳамиятга моликдир. Утган йилнинг ўзида глобал тармоқдан фойдаланувчилар сони 6,6 миллион нафар кишидан ортиб, 1,4 баробарга кўпайгани ҳам соҳа ривожига бериляётган юксак эътибордан далолатдир. Ўз навбатида, интернет хизмати кўрсатиш тарифлари ҳам босқичма-босқич камайитириб, ундан фойдаланувчилар учун тобора қўлай шарт-шароитлар яратилмоқда. Биргина 2010 йилнинг ўзида бу борадаги тарифлар 20 фоизга пайаситирилгани диққатга сазовор эканини қайд этиш зарур.

Жорий йилда ҳам замонавий компьютер ва телекоммуникация тизимлари ҳамда технологияларини янада ривожлантиришга фоят муҳим эътибор қаратилиши маърузада алоҳида таъкидланди. Жумладан, замонавий кенг форматли ва оптик технологияларни жорий этиш асосида телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва модернизация қилиш, 950 километрдан ортиқ оптик толали алоқа тармо-

ғини фойдаланишга топшириш, вилоятлар марказларида маълумотлар узатишнинг транспорт тармоғини кенгайтириш таъминлаш устувор вазифа сифатида кун тартибига қўйилди. Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш орқали интернетнинг халқаро тармоқларига чиқиш имкониятлари тезлигини тўрт баробар ошириш, турғун стационар алоқа орқали интернетдан фойдаланувчилар сонини 3 миллиондан 3,5 миллион нафарга кўпайтириш, кенг форматли телекоммуникация тармоқларидан фойдаланувчилар сонини эса икки баробар ошириб, 100 мингтага етказиш долзарб масаладир. Шунингдек, ўқув жараёнларида кенг форматли коммуникация тармоқлари ва интернет технологияларини жорий этиш, “Электрон таълим” миллий тармоғини барпо этишни охирига етказиш ҳамда бу йил мамлакатимизнинг барча олиий ўқув юртларини, кейинчалик эса академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини ягона компьютер ахборот тармоғига улашни таъминлаш, 2015 йилгача юртимизнинг барча ҳудудларида рақамли телевидениеге ўтиш бўйича комплекс дастурни амалга ошириш келгусидаги устувор йўналишлар сирасига киради.

Албатта, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасидаги ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, ўз навбатида, ушбу соҳанинг ҳуқуқий асосини шакллантириш ва такомиллаштириб боришни тақозо этади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда мазкур соҳада самарали ҳуқуқий механизмни яратишга асосий эътибор қаратилмоқда.

Ўтган давр мобайнида соҳани янада ривожлантиришга қаратилган 11та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг урта фармони, Президент ҳамда Вазиirlар Маҳкамасининг 40дан ортиқ қарорлари ва 300дан ортиқ идоравий қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Айни кунларда ҳам қўмитамиз томонидан бу борадаги қонунчилик механизмларини янада такомиллаштириш борасида фаол иш олиб боришмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусида қилган маърузасида баён этилган қоидаларни амалга ошириш юзасидан 2011 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури”да белгиланган вазифалар бу борада биз учун муҳим дастуриямал бўлмоқда.

Мазкур дастур асосида қўмитанинг алоҳида иш режаси ишлаб чиқилган бўлиб, унга асосан оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштиришга, сўз эркинлигини, ўтказиляётган ислохотларнинг шаффоқлигини таъминлашга ва коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга қаратилган тўртта янги қонунни қабул қилиш ва амал қилиб турган бир қатор қонун ҳужжатларини такомиллаштириш назарда тутилган.

Хусусан, “Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шу билан бирга, рақамли телерадиоэшиттиришларга ўтишга доир чора-тадбирларнинг давлат дастурини ишлаб чиқиш, радиочастоталарни тақсимлашнинг амалдаги тартибига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш шулар жумласидандир.

Булардан қўзланган мақсад эса телерадиоэшиттиришларни ташкил этиш жараёнига бозор механизмларини жорий этиш, мазкур тизимда рақамли форматни, теледастурларни тарқатиш тармоқларига кенг полсали кириш (шу жумладан, интернет) ни ҳамма жойда жорий этган ҳолда эшиттиришлар тизими фаолиятини ташкил этишдан иборатдир. Қолаверса, фуқароларни замонавий телекоммуникация хизматлари билан тўлақонли ва сифатли таъминлаш, ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар тармоқларини янада ривожлантириш тартибига солувчи ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлаш бу борада муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда рақамли мобил телевидениени жорий этиш, шунингдек, аҳолини рақамли телерадиоэшиттиришлар қабул қиладиган замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, телерадиоэшиттиришлар дастоталарини олиш учун тендерлар ўтказиш чоғида танлов иштирокчиларининг ижодий ва техникавий концепцияларини баҳолашнинг сифат мезонларини аниқлаштиришнинг ҳуқуқий механизмларини қонун йўли билан белгилаб қўйиш бугунги замон талабдир.

Иш режамизда белгиланган ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасида нодавлат секторни ривожлантириш, унга бозор механизмларини кенг жорий этиш бўйича комплекс ва босқичма-босқич фаолият ҳам изчил давом этирилади. Бу каби чора-тадбирлар медиа бозорига, хусусан, радиочастота спектрига кириш, медиа маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда уларни тарқатиш бўйича давлат буюртмалари олиш, бир сўз билан айтганда, миллий ахборот маконини ривожлантириш ва шу каби бошқа соҳаларда соғлом рақобатни рағбатлантириш механизмларини яратиш беради.

Шухрат ДЕҲҚОНОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси

Тараққийёт пиллапоялари

Интернет фойдаланувчилар сони (минг)



Отраслевые промышленные ярмарки



Основная цель промышленной ярмарки – содействие предприятиям в расширении долгосрочных хозяйственных связей в производстве и поставке переработанного сырья, материалов и комплектующих изделий, готовых товаров и освоении новых видов производств на основе развития отраслевой, межотраслевой и международной кооперации; привлечение иностранных покупателей и потенциальных партнеров, планирующих организацию производства продукции в Республике Узбекистан. На ярмарке участвуют Министерства и ведомства комплекса по вопросам образования, здравоохранения, социальной защиты, информационных систем и телекоммуни-

СФЕРА ИКТ

НА ОТРАСЛЕВОЙ ПРОМЫШЛЕННОЙ ЯРМАРКЕ

С 18 по 20 мая 2011 года в «Узэкспоцентр» проводится отраслевая промышленная ярмарка Комплекса по вопросам образования, здравоохранения, социальной защиты, информационных систем и телекоммуникаций Кабинета Министров Республики Узбекистан.

каций Кабинета Министров Республики Узбекистан.

На ярмарке свои стенды также представили предприятия системы Узбекского агентства связи и информатизации.

АК «Узбектелеком» представляет посетителям весь спектр современных телекоммуникационных услуг таких как: голосовая связь и передача данных; видеотелефон; доступ к сети Интернет с использованием самых инновационных технологий; видеоконференцсвязь; стационарная и мобильная связь стандарта CDMA; услуги Call-центра и другие.

Центр ZUINFOCOM представляет на ярмарке свои проекты в области информационных технологий, в частности: персон-

альный кабинет для администраторов доменов UZ, сервис управления информацией Desk.uz, SMS платформа и другие.

На стенде «UNICON.UZ» посетители выставки смогут ознакомиться с разработками в области электронной почты, электронного документооборота, защите файлов E-XAT, E-Hujjat, HIMFAYL. Также Центром будет представлен E-Kalit (SIT-1) – устройство для хранения ключа ЭЦП.

Центр подготовки и поддержки молодых программистов представляет на ярмарке свои проекты: программное обеспечение информатизации библиотек KaDaTa v2.0, которое внедрено в более чем 100 библиотеках страны, а именно, в Информационно-библиотеч-



ных центрах, Информационно-ресурсных центрах образовательных учреждений по всей Республике.

Ташкентский университет информационных технологий представляет устройство защиты информации на волоконно-оптических линиях связи. Устройство предназначено для защиты информации на волоконно-оптических линиях связи от несанкционированного доступа.

Вниманию посетителей предприятиями сферы связи и информатизации также представлено отечественное

телекоммуникационное оборудование: удаленный абонентский концентратор, приемник сигналов «Set top box» для цифрового телевидения, аналого-цифровой мультимплексор, конвертер сигнализации и другие.

Отраслевая ярмарка проводится в рамках первого этапа ставшей уже традиционной ежегодной Международной промышленной ярмарки и Кооперационной биржи, которая в текущем году состоится 25-29 октября т.г.

aci.uz

Милосердие

как состояние души

«Опять студенты приехали!» — именно так встречали нас воспитанники вспомогательной школы-интерната №103 Хамзинского района г. Ташкента. Нас было много, мы волновались, но разбившись по группам, и начав работать, волнение улеглось. В этот раз кроме студентов ТУИТ в акции участвовали студенты ТГПУ им. Низами с разных факультетов, а так же представители Республиканского театра кукол. Каждый постарался вложить часть своей души в свое дело, подарив праздник детям: музыканты провели песенный вернисаж с девочками средней группы, художники создали «шедевр» под названием «Сказочная поляна», психологи провели развивающие игры, а во дворе интерната шумно прошли «Веселые старты» команды детей и студентов ТУИТ (участники СК Клуб-2009).

Организаторами акции, по традиции, были члены СК Клуб 2009 (руководитель — старший преподаватель кафедры Философии — Л.Ю.Яковенко), а так же профессор Л.М.Арутюнова (ТГПУ им.Низами).

«Подарить детям радость общения и научить наших будущих педагогов контакту с детьми, — в этом мы и видели главную идею проведения акции. Считаю, что цели мы достигли, — сказала Л.Арутюнова после акции. Также, Руслан Валиев (ТГПУ им.Низами) добавил: «Я рад, что принял участие в этой акции, увидел увлеченность детей общим делом, искреннюю радость общения с нами. Для меня было важным как будущего преподавателя получить опыт работы с детьми, а так же отдать им часть себя. Хотелось бы отдельно ещё раз поблагодарить организаторов акции и воспитателей школы-интерната».

«Было приятно сотрудничать с профессионалами своего дела, которые со всей ответственностью отнеслись к проведению акции. Работа в команде со студентами ТГПУ им.Низами была продуктивной, надеюсь что наша первая совместная межвузовское мероприятие станет началом долгосрочного проекта.» — сказала Юлия Походина, координатор СК Клуб 2009.

Три года как сложилась традиция проведения благотворительных акций в школе-интернате. Для нас всегда очень важно разделить радость праздников с воспитанниками интерната. С каждым разом участников акции становится все больше и масштабы акции растут.

Л.ЯКОВЕНКО,
ТУИТ

Информационная и социальная поддержка предпринимателей

Хорезмский областной информационно-библиотечный центр принимает активное участие в мероприятиях, проводимых общественными, государственными и негосударственными некоммерческими организациями области по реализации Государственной программы Год малого бизнеса и частного предпринимательства.

На состоявшейся в ИБЦ встрече с предпринимателями г. Ургенча перед участниками выступили известные в области экономисты, юристы, финансисты, политические и общественные деятели. В форме беседы шел конструктивный диалог о путях дальнейшего развития малого бизнеса и частного предпринимательства, об осуществлении практических мер по оказанию финансовой, правовой и информационной поддержке коммерческим структурам.

Участники встречи получили исчерпывающую информацию о последних изменениях в законодательных актах по предпринимательской деятельности, созданию новых частных предприятий, организации семейного бизнеса.



Свою практическую помощь предпринимательству предложили специалисты областного информационно-библиотечного центра. Для представителей деловых структур и прежде всего молодых предпринимателей они подготовили специальные тематические картотеки, папки, электронную базу данных книг и журналов по предпринимательской деятельности и экономике. В настоящее время в ИБЦ ведется работа над созданием видеоролика по социальной защите фермеров и предпринимателей.

В плане мероприятий ИБЦ на Год малого бизнеса и частного предпринимательства-организация встреч и бесед за «круглым столом» с фермерами, руководителями предприятий по переработке сельхозпродукции, оказанию услуг сельскому населению.

И.Пой,
зав. краеведческим сектором Хорезмского областного информационно-библиотечного центра

«Корпоративный гудок» — новая возможность для клиентов «Beeline business»

«Beeline Business» (ООО «Unitel» и СП «Buzton») объявляет о запуске услуги «Корпоративный Гудок». Универсальная мелодия или приветствие могут быть установлены в качестве замены стандартных гудков круглосуточно или на определенное время.

«Теперь любая организация может устроить так, чтобы каждый человек, позвонивший на корпоративный телефон, слышал в трубке не монотонные гудки, а полезную информацию о компании, — комментирует событие коммерческий директор по развитию корпоративного бизнеса «Unitel» Эркин Ачиддиев. — Мы сами активно используем этот сервис, загрузив ролик «Beeline Business» всем сотрудникам B2B, поэтому можем ответственно заявить: это действительно работает».

В качестве «Корпоративного Гудка» может выступать важная информация делового характера, уведомление о новых продуктах и услугах, изменение реквизитов компании, а также запись автоответчика, гимн, рекламный ролик или просто уникальная мелодия от компании. Для подключения услуги необходимо подписать заявление в офисе «Билайн» или у персонального менеджера.

5.55 Кўрсатқувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Иқлим".
7.05 "Олам ва одам" дастури: Табиат муъажжаси.
7.20 "Кўнгли қўшиқ истайди".
7.25 "Сўнгги қирғоқча". Т/с.
8.00 "Абзор".
8.40 - 9.35 "Манашиноғ" дастури.
9.35 "Танга Тегур": Пайғамбар. 2-қисм.
10.15 "Тў - шифокор".
10.20 "Меҳрибон фаршам". Т/с.
11.00 "Абзор".
11.15 "Инақувар хоним". Т/с.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
12.50 "Кўнгли қўшиқ истайди".
13.00 "Абзор" /Иқлим/.
13.10 Миллий сериал: "Умр мангаварлари".
"Боғлар саёраси".
13.45 "Кўнгли математика". М/с.
14.00 "Абзор".
14.20 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
15.05 "Олам ва одам" дастури: "Ер саёси".
15.55 "Тезкор хабарлар".
16.00 Андижон вилояти телерадиоконференцияси намоёни эфирда.
16.25 "Қунариқор бирда".
16.40 "Икки дарё оралтида".
17.00 "Абзор".
17.15 "Хўшлар ёки".
"Боғлар саёраси".
17.35 "Эртасар - шашликча етаслар".
18.00 "Кўнгли қўшиқ истайди".
18.05 "Сўнгги қирғоқча". Т/с.
18.40 "Оғун".
18.50 "Навоийли англаш".
19.10 "Кун мангузи".
19.20 "Сегиниб адвокатнинг".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Абзор" /рус/.
20.10 Миллий сериал: "Умр мангаварлари".
20.45 "Отин мерос".
21.00 "Абзор".
21.40 "Ҳаёт ва қонун".
22.00 "Меҳрибон фаршам". Т/с.
22.40 "Иқлим".
22.45 "Инақувар хоним". Т/с.
23.30 - 23.35 "Оғун".
23.35 Кўрсатқувлар дастури.
23.40 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
00.25 "Юртин бўйлаб" дастури: "Оққоқ".
00.55 "Кўнгли қўшиқ истайди".
1.00 "Абзор" /рус/.
1.35 - 2.35 "Манашиноғ" дастури.
2.35 "Навоийли англаш".
2.55 "Отин мерос".
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон".
4.00 "Абзор".
4.35 Миллий сериал: "Умр мангаварлари".
5.10 "Қунариқор бирда".
5.25 "Икки дарё оралтида".
5.45 - 5.55 "Оғун".



5.55 "Дастурнинг оғивини".
6.00 "Ешар ношулхас".
6.30 "Ош бўлини".
6.50 "Мултипанорама".
7.50 "Ешлик навоилари".
8.10 Миллий сериал: "Лола".
8.50 "Тендишнингман, Истиқбол".
9.00 "Музаковий дунё".
9.50 "ЦЕХ".
10.00 "Дар".
10.10 "Дар мангузи".
10.30 "Осиё". Т/с.
11.20 Уйғонқош-оғуноқош.
11.40 Мултипанорама.
12.10 "Қирғоқча". Т/с.
13.00 "Дар".
13.10 "Ешлик навоилари".
13.30 Миллий сериал: "Зебулар".
14.20 "Афсона ва ҳақиқат".
14.40 "Қорадашқок ешлари".
15.00 "Пуаро". Т/с.
15.30 "ЦЕХ".
16.00 "Дар".
16.10 "Сузуғин". Т/с.

16.40 "Сопиқ-бойлар".
17.00 "Сароба айланган умидлар". Б/ф.
2-қисм.
18.30 "Автопарул".
18.50 "ЦЕХ".
19.00 "Дар".
19.30 "Осиё". Т/с.
20.20 "Ешлик навоилари".
20.40 "XXI аср телеологизация".
21.10 "Қирғоқча". Т/с.
22.00 "Дар".
22.30 "Сузуғин". Т/с.
23.10 "Ешлик навоилари".
23.30 Миллий сериал: "Лола".
00.10 "Афсона ва ҳақиқат".
00.30 "Исбоб". Б/ф.
2.00 "Дар".
2.30 "Алло, сакот бўлини". Х/ф.
3.10 "Музаковий дунё".
5.00 "Паранам".
5.50-5.55 "Юрт тугилми".

7.25 Кўрсатқувлар тартиби.
7.30 "Салом, Тошкент".
8.30 Тошкент пароналари.
8.45 "Мари Кюри". Т/с. 8-қисм.
9.10 "Интервью".
9.20 "Интеллектуал аукцион".
9.30 "Пойтахт".
9.40 Миллий сериал: "Сержаитлар".
10.10 "Митинглар олдиси".
10.30 "Пойтахт" /рус/.
10.40 "Оқсий". Т/с. 6-қисм. /Премьера/.
11.05 "Мустандлик меннинг тақдиримда".
11.10 "Қорин доғлариде".
11.25 Камер оркестрнинг концерти.
11.40 "Сингаи тақ". Б/ф.
13.00 "Салом, Тошкент".
14.00 "Дунё" телестастури.
14.55 "Ушарам".
15.00 "Пойтахт".
15.15 "Мари Кюри". Т/с. 9-қисм.
15.40 "Бир юз бир дельганин ити". М/ф.
16.20 "Идиок".
16.30 Тошкент пароналари.
16.45 "Ташкил қурасди".
17.15 "Моани".
17.30 Миллий сериал: "Сержаитлар".
18.00 "Пойтахт".
18.30 "Саломат бўлини".
18.45 "Дурали".
19.00 "Интеллектуал аукцион".
19.10 "Энижон".
19.30 Тошкент пароналари.
19.45 "Телекурар-маркет".
19.55 Футбол. Осиё чемпионлиги лигаси. 1/8 финал "Сепан" /Эрон/-"Бунёдкор" /Ўзбекистон/. Турнинг-тўриги олимб кўрастиди.
21.50 "Мустандлик меннинг тақдиримда".
21.55 Тошкент пароналари.
22.10 "Интервью".
22.20 "Телекурар-маркет".
22.30 "Пойтахт" /рус/.
22.50 "Кино SMS со звездан".
22.55 "Рыцарь камелота". Х/ф.
00.20 Кўрсатқувлар тартиби.
00.25 "Все о туризме".
00.55 "Репортаж" /рус/.
1.05 "Золотой век". Б/ф. /Премьера/.
2.55 "Кусто коммандантинг сув ости сарушларига". Х/ф.
3.45 "Сингаи тақ". Б/ф.

6.00 "Хабриги тонг".
6.10 "Саломат бўлини".
6.30 "Баркавол авиол".
6.55 "Жаҳон спорти кўздан кўради - Зигва".
7.25 Боғлар мейдончаси: Топтиги гимнастика.
"Спортнашри". Мулдириям.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.15 "Саломат бўлини".
8.40 Форум - 1. Испания гран прииси.
10.25 Эркин кураш. Осиё чемпионлиги.
11.35 "Қўнқок стартер".
12.10 Велоспорт. Жиро д'Италиа.
12.45 Раёмдар, ниткоқлар,

рефитинлар.
11.55 Боғлар мейдончаси: "Спортнашри". Мулдириям.
13.30 "Футбол шарфи".
14.35 Эштак эшиги. Жаҳон кубоги.
15.30 Тенис. "Розан Гаррон" турнири.
17.00 Боғлар мейдончаси: "Спортнашри". Мулдириям.
17.30 ХАБАРЛАР.
17.50 Саломатлик хависиси.
17.55 Футбол. Ўзбекистон кубоги.
"Пикстор" - "Андижон". Турнинг-тўриги олимб кўрастиди.
19.35 Футбол. ОФК кубоги. 1/8 финал. "Насар" (Ўзбекистон) - "Ал Файсал" (Иордания) Турнинг-тўриги олимб кўрастиди.
22.20 Саломатлик хависиси.
22.25 Футбол. Осиё чемпионлиги лигаси. 1/8 финал. "Сепан" (Эрон) "Бунёдкор" (Ўзбекистон) Ташаффузда чоршанба дастури аюнис - 00.15 Эркин кураш. Осиё чемпионлиги.
1.15 Биринчи лига. Тур ҳисоботи.
1.45 Туни хабарлар.
2.05 Тенис. "Розан Гаррон" турнири.
3.25 Футбол. Италия чемпионлиги шарфи.
4.15 ИнтернетФутбол.

07.00 09.00 11.05 13.30 15.50 18.00 19.30
20.35 02.15 9.45 9.55 10.00 10.05
08.10 Сериал "Мураббит асираси".
09.40 Сериал "Милоние булуғуно".
10.00 "Топ-10".
11.50 "Сўзбежий ромин. Наше время".
Х/ф.
14.40 Prime time (рус).
14.40 Сериал "Мураббит асираси".
15.30 Турнири айтанди...
17.30 "Премьера".
18.40 Сериал "Мураббит асираси".
20.00 "Сарфароз Ўзбекистон".
21.10 Сериал "МГНОВЕННИЕ БУДУЩЕГО".
22.00 ПОЩЕЛЮЙ СКВОЗЬ СТЕНУ".
Х/ф.
00.00 Миксер

04.00, 08.05 "Добро утро".
08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости.
08.35 Контрольная закупка.
09.00 "Жить здорово".
10.00 "ЖКК".
11.20 Малый приговор.
12.20 "Детективы".
13.00 Другие новости.
13.25 Понять. Простить.
14.20 "Хочу знать".
15.00 Т/с. "Обручальное кольцо".
15.50 "Федеральный судья".
17.00 Вечерние новости.
17.15 Т/с. "Следа".
17.50, 03.05 "Давид поженямся".
18.50 "Пусть говорят".
20.00 "Время".
20.30 Т/с. "Выхожу тебя искать".
21.30 "Свидетели".
22.20 Ночные новости.
22.45 На ночь глядя.
23.30 Х/ф. "Дети Свидаж".

4.00 "Утро России".
8.05 "С новым домом".
9.00 "О самом главном".
10.00 13.00 15.00 19.00 "Местное время. Вести - Москва".
10.30 13.30 15.30 "Местное время. Вести - Москва".
10.50 "Главная тайна. Республика ПИКЛД".
11.30 "Кухни и партнерки".
13.50 "Вести. Дежурная часть".
14.05 Т/с. "Ефросинья. Пролоджение".
15.50 Т/с. "Все к лучшему".
16.55 Т/с "Институт благородных девиц".
17.45 "Прямой эфир".
19.30 "Местное время. Вести".
19.50 "Спокойной ночи, малыши".


20.00 Т/с "Достоевский".
21.05 Т/с "Бригады".
23.10 "Вести +".

3.55 "НТВ утро".
7.30 "Очная ставка".
8.30 14.30 17.30 "Прямое эфирное производство. Обсудь".
13.40 15.00 15.00 18.25 "Сегодня".
9.20 "Чрезвычайное производство. Расследование".
9.55 "До суда".
11.00 "Суд приговоров".
12.25 "Прокурорская проверка".
13.40 "Давать мириться".
15.30 Т/с "Возвращение Мухомора".
18.30 Т/с "Москва. Центральный округ".
09:05 "Жийда гули" т/с (18-қисм)
09:35 Кутилмаган томоша
09:45 19:30 "Бизнес-промо"
10:00 "Онлайн хабарлари"
10:05 Хужжатли филм
10:35 Кинобаъасум
11:05 "Хаёт қадри" т/с (19-қисм)
12:05 "Мерғаб" б/ф
14:05 "Тошойна" (Кўрсатув меҳмони Шухрат Қаюмов)
14:30 "Парламент: 5 дақиқа"
15:25 22:15 "НТТ спорт"
16:00 "Поитхат хабарлари"
16:05 19:45 "Муҳаббат симфонияси" т/с
16:40 "Болалар худуди"
16:50 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
17:00 "Хазина" телевикторинаси
18:05 "Карина-Карина" т/с (91-қисм)
21:05 "Ток шоу"
21:50 "Келгинди қайнона" б/ф
23:45 Тунги кинозал: "Ванильное лебо" б/ф
02:30 Тунингиз хайри бўлсин!

Шанба

06:00 "Худудий хабарлар"
06:05 Мумтоз наволар
06:30 10:00 15:00 "Хорик хабарлари"
06:35 11:00 14:45 "Форум вақти"
06:40 Ешлар студияси: "Келажак

Билан юзма-юз"

06:55 11:30 19:45 "Оналик бахти" кўрсатуви
07:00 "Яхши кайфият" (Кўрсатув меҳмони Фиёс Бойтоев)
07:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
07:50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
08:05 "Болалар соғити"
09:00 14:35 18:00 "Худудий хабарлар"
09:05 "Жийда гули" т/с (15, 16, 17, 18-қисмлар)
11:15 15:35 19:50 23:45 НТГАда мусиқа
11:35 "Келгинди қайнона" б/ф
13:00 "Дийдор ширин" мусиқрий-дам олиш дастури
14:30 "Парламент: 5 дақиқа"
14:40 "Менон мангизим Ҳэбенкстон"
15:05 "25-кадр" кинокўрсатув
15:30 "Онлайн хабарлари"
16:00 "Поитхат хабарлари"
16:05 "Форум интотхиса"
16:30 Кутилмаган томоша
16:45 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" телевикторинаси
18:05 "Летасити" б/ф
20:00 "Парламент соғит"
20:20 "Жарайн" ахборот дастури
20:35 "Озод шоу" кўнгли очар кўрсатуви
07:15 Мультифилм
21:30 Кетти кинозал: "Фидо" б/ф (Хиндистон)
00:00 Тунингиз хайри бўлсин!

Якшанба

06:30 Мумтоз наволар
07:00 "Жарайн" ахборот дастури
07:15 "Форум вақти"
07:25 Кинобаъасум
08:00 Болалар соғити
09:00 "Ток шоу"
09:35 "Муҳаббат симфонияси" т/с (147, 148, 149, 150-қисмлар)
11:55 19:45 "Оналик бахти" кўрсатуви
12:00 "Озод шоу" кўнгли очар кўрсатуви
13:00 "Фидо" б/ф (Хиндистон)
13:30 "Ўзбекистон:24 соғит ичиси"
15:35 "Хорик хабарлари"
16:40 "Тах.ИЗ"
16:05 "Форум хабарлари"
16:15 "Тошойна" (Кўрсатув меҳмони Шухрат Қаюмов)
16:45 19:35 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" телевикторинаси
18:00 "Қўнлим - Жосул" б/ф
19:50 "Юзма-юз" кўрсатуви
20:00 "Наҳд лаззати"
20:20 "Бахти Ҳайн"
телефилми
21:00 "Дийдор ширин" мусиқрий-дам олиш дастури
22:30 "Офатлар хукумлари" б/ф
00:20 НТГАда мусиқа
00:30 Тунингиз хайри бўлсин!

Марка ўрнига – SMS

Швеция ва Дания почта хизматлари нафақат хатларни, балки жўнатмаларни йўллашни ҳам осонлаштирувчи усулни топишди. Унга кўра, маркалар ўрнига жўнатувчи ўз мобил телефонига келган махсус коддан фойдаланади.

Хатни жўнатганлик учун тўлов фойдаланувчи томонидан матнли кўринишдаги хабарни тегишли почта рақамига жўнатиш орқали амалга оширилади. Бунга жавобан жўнатувчи махсус рақам ва ҳарфлардан иборат калитни қўлга киритади. Бу “калит” хатжилдининг юзасига қўлла ёзилади. Швецияда ишлаб чиқарилаётган тизим нафақат хатларни, шунингдек, 2 килограммгача жўнатмаларни йўллаш имконини беради. Янги тўлов шакли Данияда 1 апрелдан муомалага киритилди, шведлар эса ҳозирча тугал фикрга келишганлари йўқ.

Швеция почта хизмати маркетинг ва ривожлантириш департаменти раҳбари Андерс Осбергнинг айтишича, ҳозир тизимнинг амалиёт кўринишлари ишлаб чиқилипти.

Ҳар икки мамлакат почта хизмати ходимлари коммуникациянинг бошқа турлари ривожланишига қарамадан, одамлар анъанавий хат ёзишни давом эттиришмоқда ва бу жараёнда мобил телефон орқали тўловни амалга ошириш масаланинг оддий ва қулай ечими ҳисобланади.



THE WEBBY AWARDS

Интернет Оскари ғолиблари

Анъанавий ўн бешинчи Вебб (The Webby Awards) мукофоти лауреатлари аниқланди. Тақдирлаш маросими 13 июн куни Нью-Йоркда ўтказилиши мўлжалланган.

Ўзига хос “Интернет Оскари” – The Webby Awards энг яхши интернет-лойиҳалар учун топширилладиган машҳур ва нуфузли мукофот ҳисобланади.

Вебб тўрт йўналиш – сайтлар, интерактив реклама, онлайн видео ва мобил иловалар йўналишидаги бир неча ўнлаб номинацияларни ўз ичига олади.

Даъвогарлар сони, ҳар доимгидек, жуда кўп бўлди – 150 номзод. Баъзилар бир йўла

бир неча мукофотга (масалан, New York Times газетаси 18 йўналишда) ҳақарат қилишди.

Демак, совриндорларнинг айримлари билан танишамиз. Rovio студияси томонидан чиқарилган ўзига хос мобил-казуал “сенсация” – Angry Birds iPhone каби қурилмалар учун чиқарилган энг яхши ўйин деб топилди.

Энг яхши ўйин ресурси сифатида Lego Star Wars III ўйини веб-сайти эътироф этилди. Энг қизиқарли бошланғич саҳифа LEGO сайтига тегишли бўлса, фотосуратларни ўз ўрнида қўллаш бобида National Geographic сайти юқори баҳоланди.



Канаданинг YouTube-жавоҳири – Жастин Дрю Бибер йил комедианти деб топилди. Актёр Зак Галифианакис эса йилнинг энг ёрқин веб-шахси сифатида танилди. Ғолиблардан яна бири Arcade Fire гуруҳининг «The Wilderness Downtown» деб номланган интерактив филмидир.

Funny or Die комедиялар ресурси бир йўла 8та мукофотни қўлга киритди. Шунингдек, энг яхши реклама Old Spice дезодорантга тегишли бўлди.

E-GAZETA

“Нью-Йорк таймс”да технологиялар кураши

New York Times компанияси газета сайти пулли шаклга ўтказилгандан буён унинг фойдаланувчилари сони ҳақида дастлабки ҳисоботини тақдим этди.

Маълум бўлишича, сервиснинг уч ҳафтalik фаолияти давомида обуначилари 100 минг нафардан ошган. Компания томонидан бу ҳолат қониқарли дея баҳоланган бўлса-да, барибир, 2011 йил биринчи чораги кутилган самарани бермади, буни медиагигантнинг акциялари баҳоси пасайиб кетганидан ҳам кўриш мумкин.

Асосий сабаб – босма нашрлардаги рекламага талабнинг камайиб кетганилиги. Чорак мобайнида айти шу сабаб 7,5 фоизлик йўқотишга олиб келди, аксинча, рақамли реклама 4-5 фоиз ўсиб, 83,6 миллион доллар даромад келтирди.

RADIO



Радиошинавандалар кўпаймоқда

RAJAR (Radio Joint Audience Research) тадқиқот гуруҳи аниқлашга, британияликлар жорий йил дастлабки чорагида радиони ҳар қачонгидан кўп тинглашган.

Янги медиавоситалар кўпайиб борапти, шунга қарамадан, Қўшма Қиролликдаги 15 ёшдан катта аҳолининг 91,6 фоизи (47,3 млн. киши) ҳафтасига ҳеч бўлмаганда бир марта радиодан фойдаланган. Бу 1982 йилдан бери илк бор кузатилган рекорд натижа.

Умуман олганда, чорак давомида британияликлар жами 1,058 миллиард эфир соатини тинглашган. Бу ҳам рекорд. Хўш, буларга сабаб нима?

Гап шундаки, айнан рақамли воситалар (рақамли радиостанциялар, приёмниклар, интернет, мобил телефонлар) радиостанцияларга аудиториясини кенгайтиришга катта ёрдам берапти.

BBC, Radio 6 Music, Radio 1Xtra, Radio 4 Extra каналлари билан ёнма-ён, ҳатто мумтоз куйлар берувчи учинчи дастур ҳам аудиториясини ошириб ҳафтасига 2,26 миллион кишига етказиб олган.

BIZNES

Ҳукумат кўпроқ сўрамоқчи

Франция ҳукумати 4G тармоқлари учун частоталарни сотишдан камида 2,5 миллиард евро ишлаб олмоқчи. Бу ҳақда мамлакат саноат вазири Эрик Бессон баёнот берган.

Аввалига мўлжал 2 миллиард эди. Бироқ АҚШ, Швеция ва Германияда частоталар бўйича кимошди савдоси ўтказилганидан сўнг улар ҳам ставкани кўтаришди. Масалан, ўтган йил апрел-май ойларида Германияда 4G частоталари кимошди савдоси 4,4 миллиард евро даромад келтирди.

Францияда савдога 800 ва 2600 мегагерц диапазонларидаги бир нечта лот қўйилади. Бессоннинг сўзларига қараганда, 800 мегагерцлик диапазон 1,8 миллиард, 2600 мегагерцлик диапазон 0,7 миллиард еврога баҳоланади.

Hewlett-Packard: прогноз пасайтирилди

Жаҳоннинг йирик шахсий компьютерлар ишлаб чиқарувчиси – Hewlett-Packard чорак ҳисоботида йиллик савдолари прогнозини деярли бир миллиард долларга камайтирган. Бунга сабаб қилиб бозор конъюнктураси ёмонлиги, хусусан, истеъмол соҳасидаги талабнинг пастлиги кўрсатилган. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, HPнинг йиллик савдо кўрсаткичи 130 миллиард долларга етмаслиги, компания даромади бир акцияга 5 долларни ташкил этиши маълум қилинган.

Яқинда компания бош директори Лео Апотекер топ-менежерлар билан учрашувда келатган чорак компания учун яна бир оғир давр бўлишини таъкидлаган ва тегишли бўлимлар раҳбарларидан ҳар бир цент устида назорат олиб боришни ва янги ходимларни ишга олишни камайтиришни сўраган.

Chromebook сотувга чиқади

Google Chrome амалиёт тизимида ишловчи Chromebook ноутбуклари 15 июндан сотувга чиқарилади. Бу ҳақда корпорация асосчиларидан бири – Сергей Брин журналистларга маълум қилган.

У компания ишлатаётган компьютерларнинг тахминан 20 фоизи Windowsда ишлашини ҳам тан олган. Шу билан бирга, у янаги йили виндовслар санокли компьютерларда қолишини ҳам айтиб ўтган.

Google ноутбуклари Samsung ва Acer Inc томонидан чиқарилади. Бу компьютерлар икки ядролу Intel Atom процессорлари, иккитадан USB-порт, универсал кардридер, камера, микрофон ва стандарт клавиатура билан таъминланади.

Chromebook савдолари АҚШ, Буюк Британия, Германия, Нидерландия, Испания, Франция ва Италияда бир пайтда бошланади.



Корхона-коллеж:

Хамкорлик алоқалари

Янги 2011-2012 ўқув йилидан бошлаб Бухоро вилоятидаги Жондор ва Пешку sanoat, транспорт, алоқа касб-хунар коллежларида яна икки йўналиш — телекоммуникация ва почта хизматлари бўйича гуруҳлар ташкил қилиниб, ўғил-қизлар учун ушбу соҳалар бўйича чуқур билим ва пухта малакага эга бўлиш имконияти яратилди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан тасдиқланган “Жондор ва Пешку sanoat, транспорт, алоқа касб-хунар коллежларида бириктирилган вилоят алоқа корхоналари томонидан амалга ошириладиган ишлар юзасидан чора-тадбирлар режаси”га асосан ушбу коллежларнинг ҳар бирида иккитадан синф хоналари телекоммуникация ҳамда почта йўналишлари бўйича кўргазмали стендлар, ўлчов асбоблари билан таъминланди.

ЎЗААА томонидан “Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли лугати”, Ахборот технологиялари бўлимига оид 120та файлдан иборат 120 номдаги ҳамда телекоммуникация бўлимига оид 52та файлдан иборат 52 номдаги электрон китоблар тақдим этилди.

Бундан ташқари, “Матбуот тарқатувчи” шўъба корхонаси томонидан ҳомийлик асосида коллежлар учун “Aloqa inform”, “ICT News” журналлари ҳар ойда етказиб берилмоқда. Коллежларнинг маънавият хоналари учун

милий мафкурамизни тарғиб этишга хизмат қилувчи 25тадан плакат ва ҳар бир коллежга 100 минг сўмдан турли мавзудаги китоблар ҳам олиб берилди.

Вилоят АРМ томонидан эса шу йилнинг март ойида касб-хунар коллежлари ҳузуридаги ахборот-ресурс марказларида КаДаТа кутубхоналарини автоматлаштириш дастурий таъминотининг намоиши версияси ўрнатилганлиги ҳам ўқув ва амалий машғулотларни давр таълаблари даражасида олиб боришларида муҳим рол ўйнайди.

2014-2015 йилларда Жондор ва Пешку sanoat, транспорт, алоқа касб-хунар коллежлари ҳамда Бухоро туман маиший хизмат ва сервис касб-хунар коллежида телекоммуникация тармоқлари техниги, (линия-кабел хўжалигида хизмат кўрсатувчи электромонтёр, кабелчи-пайвандловчи, замонавий оптик толали кабелларни пайвандлаш, телевидение ускуналарини таъмирлаш) ва почта алоқаси оператори каби кичик мутахассислар тайёрлаб бериш бўйича ушбу коллежлар билан “Бухоро Телеком” филиали, “Ўзбекистон почтаси” Бухоро филиали ҳамда Бухоро РТУМ корхоналари ўртасида тегишли шартномалар имзоланиб, жами 276 на-

фар коллеж битирувчисига буюртмалар берилганлигини ҳам шу ўринда тилга олиб ўтиш лозим.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш давлат аҳамиятига молик муҳим вазифа бўлиб, бу иш корхона ва ташкилотлар зиммасига ҳам қатта масъулият юклайди. Ҳозирги пайтда вилоятдаги 10та касб-хунар коллежида компютер технологиялари йўналишидаги 676 нафар битирувчини иш билан таъминлаш бўйича тегишли корхона ва ташкилотлар билан уч томонлама шартномалар расмийлаштирилган.

Асқар ИСТАМОВ,
“Xabar”нинг

Бухоро вилоятидаги мухбири

Олий даргоҳларга элтувчи маскан

Ёшларимиз — эртанги кунимиз эгалари. Шундай экан, уларни юксак маънавиятга, ақлли ва билимли қилиб тарбиялаш, салоҳият борасида дунёдаги тенгдошлари билан тенглашишлари учун шароит яратиш бугуннинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Буни амалга оширишда истиқлол шарофати билан ташкил этилган билим даргоҳлари — академик лицейларнинг ўрни катта бўлмоқда. Ушбу мақоламиз ҳам нуфузли ўқув юртларидан бири — Тوشкент ислом университети қошидаги академик лицей ҳақида.

Академик лицей 2000 йилда ташкил этилган. Бугунги кунда лицейда жами 691 нафар ўқувчи аниқ фанлар ва хорижий филология йўналишларида 26 гуруҳга тақсимланган ҳолда таҳсил олади. Уларга 73 нафар малакали педагог дарс беради. Улар орасида фан номзодлари ва профессорлар бор. Лицей биносида 28та ўқув хонаси, иккита компютер синфи, физика, биология, кимё лаборатория хоналари ва маънавият ва маърифат хонаси мавжуд. Керакли анжомлар билан жиҳозланган спорт зал, турли спорт тўғрақлари ҳам ўқувчиларга хизмат қилмоқда.

Лицей ахборот-ресурс марказини керакли ва янги дарсликлар, бошқа зарур адабиётлар билан таъминлаб боришга ҳаракат қилинади. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Маънавият ва маърифат биносидаги университет ва лицей учун умумий бўлган ахборот-ресурс маркази замонавий ахборот технологиялари билан тўла таъминланган. Мазкур АРМ электрон каталогидан ўқув қўлланмалар, илмий ва бадиий адабиётлар, турли йўналишдаги янги нашрларни топиш мумкин. Ундан ўқувчилар билими ва маънавиятини шакллантиришга хизмат қиладиган турли мультимедиа маҳсулотлари ҳам ўрин олган. Бундан ташқари, ўқувчилар мазкур марказ орқали кундалик газеталар, журналларни кузатиб бориш имконига эга.

Дарҳақиқат, лицейда ўқувчилар учун барча зарур имкониятлар яратиб берилган. Масалан, давлат таълим стандартлари талаблари даражасида 2010-2011 ўқув йили учун ўқувчиларни тегишли фанлар кесимида қизиқишларига кўра олий таълимнинг бакалаврият йўналишларига йўллаш, олий таълим муассасалари кириш имтиҳонларига гуруҳли ва якка тартибда тайёрлаш чора-тадбирлари дастури тузилган. Ҳозирги кунга қадар ўқувчилар қизиқишларига кўра кириш истагини билдирган олий таълим муассасалари ва йўналишлари рўйхати тузилган ва ўзгаришлар ўз вақтида қайд этиб келинмоқда. Ўқувчилар учун тайёрланган тестларнинг барчаси Давлат тест маркази томонидан имтиҳонларда тақдим этиладиган тестларга мувофиқ 3бта саволдан ташкил топган. Дарслар давомида ва қўшимча фан тўғрақларида ўқувчилар ўз билимини чуқурлаштириб бормоқда. Олиб борилаётган ишлар доимий гуруҳ раҳбарлари назорати остида бўлиб, эришилаётган натижалар мониторинги юритилмоқда.

— Аввало, болада тест ечиш кўникмасини чуқурлаштириш, дарс жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш мақсадида лицейда ўқитиладиган барча фанлардан тест саволларининг электрон базаси яратилмоқда, — дейди акаде-

мик лицей директори Акбар Казакбаев. — Бу нафақат ОТМга кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтишда, балки ўқувчини жорий баҳолаб бориш масаласида қулайлиги ва самаралилиги билан ўқитувчиларга қўл келади. Бундан ташқари, лицей маъмурияти ва ота-оналар ўртасида изчил ва самарали ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Ҳар бир ички назорат синовларида боланинг билим сифати билан боғлиқ эришилган натижалар умумий мажлисларда ота-оналар иштирокида таҳлил қилиб борилади. Бу, ўз-ўзидан, ўқувчиларнинг олий таълим даргоҳларига кириш кўрсаткичлари ошишида муҳим омиллардан биридир. Албатта, бу ишлар қувонарли самараларини бермоқда. Битирувчиларимиздан Ўзбекистон олий таълим муассасаларидан ташқари, Вестминстер, Сингапур, Турин каби халқаро олий ўқув юртлари имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, таҳсилни давом эттираётганлар кўпчиликти ташкил қилади. Ўқувчилар орасида Зулфия мукофоти номзодлари ва фан олимпиадалари ғолиблари борлиги ҳам педагогик жамоамиз меҳнатлари самарасидир.

Айтиш жоизки, лицейда барча фанлардан имкон қадар ахборот-коммуникация технологияларидан фой-

даланишга ҳаракат қилинади. Бу эса дарсларнинг янада қизиқарли бўлишида, ўқитувчиларнинг дарсликлардан ташқари бошқа маълумотларни ўқувчиларга етказишида муҳим рол ўйнапти.

— Лицейимизда иккита компютер синфи мавжуд бўлиб, биттаси Кореядан келтирилган компютерлар билан жиҳозланган, — дейди информатика фани ўқитувчиси Моҳира Қўчқорова. — Ўқувчиларга 1 ва 2-босқичда информатика курсидан сабоқ берамиз. Бу босқичда улар информатика фани тарихи, ривожланиш босқичлари, амалиёт дастурлари, компютер графикаси дастурлари, веб-дизайнлар яратиш бўйича билимга эга бўладилар. Учинчи босқичдан эса ахборот технологиялари фани бўйича билим олишни бошлашади. Бунда уларга АКТнинг ўзи нима, ушбу фаннинг жамиятдаги ўрни, тараққиётга таъсири, компютер вирусларидан сақланиш, интернет тармоқдан фойдаланиш, веб-сайтлар яратиш ва улар билан ишлаш каби йўналишларда кенг тушунчалар берилди. Албатта, ўқувчиларимиз берган билимларимизни амалда ҳам бажаришга ҳаракат қилишмоқда. Юқори синф ўқувчилари томонидан чуқурлаштирилган фанлар ҳисобланган математика, тарих ва инглиз тили фанларидан мустақил тарзда слайдлар тайёрлаб, тақдимотда ҳимоя қилишни фикрим исботдир.

Лицейда нафақат ўқувчиларнинг АКТ соҳасидаги билимлари оширилипти, балки ўқитувчиларнинг ҳам компютер саводхонлигини ошириш, уларни глобал тармоқдан фойдаланишга ўргатиш масаласи изчил ҳал этилмоқда.

Усмонжон ТОЖИБОЕВ

Хизмат

Барча кашфиётлар ичида энг гўзали
яхши тарбия кўрган инсондир.

ЭПИКТЕТ

Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази:

Камолотга чорлар беллашув

Ўрта махсус, касб-хунар таълими тасарруфидаги АРМлар ўртасида таълим муассасалари ахборот-ресурс марказлари фаолиятини яхшилаш, энг яхши АРМларни аниқлаш, уларнинг илғор иш услублари ва тажрибаларини оммалаштириш ҳамда уларда фаолият кўрсатаётган ходимлар меҳнатини муносиб тақдирлаш мақсадида ҳар йили ўтказиб келинаётган "Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази" кўрик-танловининг бу йилги бешинчи республика босқичи жорий йилнинг 5-6 май кунлари Тошкент вилояти Янгийўл технология-иктисодиёт касб-хунар коллежида бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар босқичида голибликни қўлга киритган 14та АРМ ўзаро баҳс олиб борди.



тиш киритишга тўғри келди. Яъни, анъанавий тарздаги уч нафар иштирокчи ўрнига беш нафар иштирокчи совриндорлар қаторидан жой олди.

Янгийўл технология-иктисодиёт касб-хунар коллежи АРМ раҳбари Иноятхон Солиева ва Тошкент шаҳар педагогика коллежи АРМ раҳбари Саодат Камоловаларга учинчи ўрин насиб этди. Иккинчи ўринга Самарқанд банк коллежи АРМ раҳбари Лола Исмоилова ҳамда Навоий вилояти Кармана саноат ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи АРМ раҳбари Алишер Ражабовлар лойиқ топилди. Барча шартлар бўйича мукамал билимга эга эканлигини исботлаган Бухоро шаҳар иқтисодиёт ва банк коллежи АРМ раҳбари Тўйибии Нуруллаева эса кўрик-танлов голиблигини қўлга киритди. Уларга Тошкент вилоят ҳокимлиги ва ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармасининг диплом ва қимматбаҳо совгалари топширилди. Қолган иштирокчилар ҳам эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Коллеж қошидаги ашула ва рақс дастасининг куй-қўшиқ ва рақслари, спортчи қизларнинг қизиқарли чиқишлари тақдирлаш маросимига янада файз киритди.

Шундай қилиб, АРМчилар Янгийўлдан бир олам таассурот, янги билим ва кўникмалар, энг асосийси, келгуси йилда ўтказиладиган кўрик-танловда яна албатта иштирок этиш иштиёқи билан қайтдилар.



ишлата олиш кўникмалари баҳоланди. Бу шартда АРМ раҳбарларига ўзлари билан ишловчи операторлар ёрдам беришди.

АРМлар иш фаолиятининг самарасини ва сифатини оширишда соҳага оид ҳуқуқий-қонуний ҳужжатларни билиш талаб этилади. Бу ҳужжатлар ишни тўғри ташкил этишга, АРМ раҳбарининг жамоани тўғри бошқаришига, турли масалаларни оқилона ҳал этишга ёрдам беради. Иштирокчиларнинг бу борадаги билимлари учинчи шартда соҳадаги янгиликлар, мессёрй ҳужжатлар, стандартлар ва қонулар доирасида тузилган 25та тест саволларига жавоб топиш орқали аниқланди. Тўртинчи шартда эса АРМ раҳбарларининг компютер саводхонлигини аниқлаш мақсадида уларнинг интернет бўйлаб саҳасти уюштирилди. Улар марказларининг хусусий сайтларини намойиш этиш жараёнида турли саволларга жавоб бердилар.

Айтиш керакки, иштирокчилар бир-бирдан қолишмасликка интилиб баҳс олиб боришгани боис голибларни аниқлаш осон бўлмади. Шунинг учун тақдирлаш мезонига бир оз ўзгар-

тақдимотини ўтказишди. Бу шартда марказлар фаолиятининг Низом асосида ташкил этилганлиги, аҳолига, коллеж ёки лицей ўқувчилари ҳамда ўқитувчиларига абонемент ва ўқув залларида ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш сифати, уларнинг қизиқишлари, талаб-эҳтиёжларини ўрганиш ва уларни қаноатлантириш борасида олиб бораётган ишлар синчковлик билан ўрганиб чиқилди. Тақдимотларда Бухоро, Наманган, Навоий, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳридан иштирок этган АРМлар фаолиятида бирмунча ижобий ҳолатлар кўзга ташланди.

Шу кун иштирокчилар ахборот-ресурс марказлари фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазмали стендлар ва албомларини ҳам намойиш қилдилар. Кўргазмаларни баҳолашда АРМлар фаолиятини аҳоли ўртасида тарғиб қилиш, янги фойдаланувчиларни жалб этиш, марказларнинг ташқи ва ички безатилиши, реклама фаолияти, кутубхоначилик иш ҳужжатларининг юритилиши каби жиҳатлар билан бирга, Президент асарларини турли шаклларда тарғиб қилишга, йил номига белек олиб сорилаётган ишларга, турли соҳаларда, айниқса, ўқув муассасаси профилига мос адабиётларни, маънавий-ахлоқий, маданий-тарихий аҳамиятга эга асарлар воситасида ёш авлодни камол топтиришга таъсир қилувчи ахборот ресурслари билан олиб бораётган ишларга ҳам эътибор қаратилди.

Иккинчи шартда АРМлар веб-сайтлари мавжудлиги, улар сўнгги маълумотлар билан қай даражада янгиланиб турилиши, раҳбарларнинг веб-сайтларни

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси томонидан уюштирилган мазкур танловни Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари Сайёра Файзиева очиб берди ва ахборот-кутубхона ҳамда ахборот-ресурс марказлари фаолиятини такомиллаштириш борасида вилоятда амалга оширилаётган ишлар, бу масалага қаратилаётган эътибор хусусида сўз юритиб, иштирокчиларга омдлар тилади. Шундан сўнг Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази директори ўринбосари Зайниддин Худойбердиев сўзга чиқиб, кўрик-танловнинг мақсад ва вазифалари, Президентимизнинг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлаш тўғрисида" ги ва 2011 йил 23 февралдаги "Ахборот-коммуникация технологиялари базасида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматлари сифатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорларини АРМлар фаолиятига жорий қилиш бугун соҳа ходимлари олдига турган долзарб вазифа эканлиги ҳақида гапирди. ТАТУ "Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик" кафедраси катта ўқитувчиси Зуҳра Бердиеванинг "Ахборот-кутубхона марказлари янги босқичда" мавзудаги маърузасини иштирокчилар катта қизиқиш билан тингладилар.

Танловнинг иккинчи кун иштирокчилар тўртта шарт бўйича билимларини синовдан ўтказдилар.

Биринчи шартда иштирокчилар видеоларга орқали ўзлари раҳбарлик қилаётган АРМлар



Мавзу доирасида:

● Бугун мамлакатимизда 11026та ахборот-кутубхона муассасаси бўлиб, улар 6,3 миллион нафардан ортиқ китобхонларга хизмат кўрсатяпти. Соҳа мутахассисларининг фикрича, айни пайтда ахборот-кутубхоналардаги шарт-шароитлар тобора яхшиланаётган баробарида фуқароларнинг зарур ахборот ва маълумотларга бўлган талаби ҳам ўсиб борапти. Ҳозирги кунда кутубхоналардаги жами адабиёт фонди 83,6 миллион бирликни ташкил этса, унинг 3,5 миллион бирлиги электрон шаклдадир.

● Барча ахборот-кутубхона марказларида интернетта ула-ниш имконини берувчи локал тармоқлар ташкил этилган. Таълим муассасаларидаги 1639та ахборот-ресурс марказидан 1380таси «ZiyoNET» тармоғига уланган. Кутубхона муассасаларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жадал жорий этилаётгани натижасида уларни компютерлаштириш 2,8 марта, наўша кўчириш ва сканер воситалари билан таъминланиш даражаси эса 2,3 маротаба ошди.

Сўз — иштирокчиларга:

Насиба ОМОНКЕЛДИЕВА, Тошкент вилоят "Турон" АКМ илмий-услубий бўлими мудир:

— Бу каби танловларнинг АРМлар иш фаолиятига ижобий таъсири жуда катта. Марказларимиз фаолиятини тубдан ислоҳ этишга қара-тилган сўнги қарорлар ишларимизни замон талаблари даражасига кўратилишига имконият яратиб берди. Жорий йилги республика танловининг вилоятимизда ўтказилиши биз учун фахрларли. Бу вилоят АРМлар иш фаолияти яхши йўлга қўйилганидан далолат. Албатта, бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Бунинг замирида коллеж раҳбариятининг АРМга бўлган катта эътибори, ёрдами, қолаверса, шунга масъул инсонларнинг меҳнатлари ётибди.

Феруза ТОШТЕМИРОВА, Андижон вилояти Жалакўдуқ агросаноат касб-хунар коллежи АРМ раҳбари:

— Танловда иккинчи бор иштирок этишим. Айтишим мумкинки, танлов ишдан-йилга такомиллашиб, унда иштирок этувчиларнинг ҳам касбий билимлари ошиб борапти. Танлов баҳона ҳамкасблар учрашди, тажриба алмашдик, ютуқ ва камчиликларимизни муҳокама қилдик.


Янгийўллик ҳамкасбларимиз бизларни жуда илқ кутиб олишди, яшашимиз, танловда иштирок этишимиз учун барча шароитини яратиб беришди. Айниқса, Зангиота зиёратгоҳига қилган сафаримиз барчамизда катта таассурот қолдирди. Ҳаммаси учун уларга катта раҳмат. Фидоий ҳамкасбларимиз ишларида ҳам, шахсий ҳаётларида ҳам омадлар тилаймиз.

“Ziyounet” тармоғи орқали...

Бир неча йилдан буён вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Идоралараро кенгаш томонидан тасдиқланган семинар-тренинг машғулотлари жадвалига асосан, вилоят ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида жойларда семинар-тренинг машғулотлари ўтказиб келинмоқда.

Яқинда Жалакудук педагогика ижтимоий-иқтисодий коллежи ахборот-ресурс марказида “Ахборот-ресурс марказида фойдаланувчиларга “ZiyouNET” тармоғи орқали ахборот хизмати кўрсатиш” мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Семинар-тренингни Бобур номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази илмий-услубият бўлими мудири З.Шаҳобитдинова олиб борди. Мазкур коллеж директори И.Бурхонова ўз сўзида кутубхона соҳасида амалга оширилаётган барча ислохотлар марказида инсон ва унинг таълим-тарбияси туриши, ахборот-кутубхона муассасаси ходими замонавий технологиялар асосида ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни такомиллаштиришда, шахсни тарбиялашнинг анъанавий самарали усулларини ривожлантиришда, янги иш услубларини татбиқ этишда ташаббускор, ижодкор бўлиши ниҳоятда муҳим эканлиги ҳақида гапириб ўтди.



Тадбирда коллежнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Р.Азизова, АРМ раҳбари Р.Насриддиновалар сўзга чиқиб, АРМ фаолияти, олиб борилаётган ишлар, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишда АРМнинг ўрни тўғрисида гапирдилар.

Вилоят АКМ директори ўринбосари Н.Азнабаева эса ҳозирги кунда кутубхоначилик соҳасида қабул қилинаётган қонун ва қарорлар ижросини таъмин-

лаш мақсадида кутубхона муассасалари олдида бир қатор вазифалар турганлиги, уларни ахборот-коммуникация технологиялари билан тўла таъминлаш, замон талабларига мос интеграллашган ахборот-кутубхона тизимини яратиш каби масалалар муҳимлигини таъкидлаб ўтди.

Семинар-тренинг машғулотида коллеж АРМ ЭҲМ оператори З.Алимов семинар қатнашчиларига “Фойдаланувчиларга “ZiyouNET” тармоғи орқали ахборот хизмати кўрсатиш усуллари”ни видеороликлар воситасида намойиш этиб, керакли маслаҳатлар берди.

Тадбир давомида иштирокчилар ўртасида гуруҳларга бўлиниб, “ZiyouNET” таълим тармоғидан фойдаланган ҳолда маълумотлар базасини яратиш бўйича ишбилармонлик ўйини ҳам ташкил қилинди. Бунда Қорасув қишлоқ хўжалик, Кўргонтепа ва Хўжабод қурилиш касб-хунар коллежлари АРМ мутахассислари фаол иштирок этдилар.

Семинар-тренинг машғулоти барча қатнашчиларга манзур бўлди.

Н.МАШРАБОВА,

Бобур номидаги Андижон вилоят АКМ илмий-услубият бўлими етакчи кутубхоначиси

Ахборот-кутубхона янги босқичда

Фарғона вилояти Аҳмад ал-Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази жамғармасида 310 минг нусхага яқин китоб сақланади. Кутубхона фонди яна жорий йилнинг тўрт ойида 90 номдаги китоб билан бойиди. Бундан ташқари, ушбу зиё маскани 105 номдаги газета ва журналларга обун бўлган. Муассасага қатновчи китобхоналарнинг сони эса 20 минг нафардан ошиб кетган.

— Яқинда қабул қилинган “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги қонун кутубхоначилиқнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш билан бирга, китобхоналаримиз учун ҳам қатор қулайликлар яратиб берди, — дейди вилоят АКМ раҳбари Дилором Шукурова. — Эндиликда марказимиз тегишли нашрларни мажбурий нусхалари билан таъминланди. Ушбу қонунда китоб жамғармаларнинг электрон вариантларини яратишга ҳам кенг имкониятлар берилган.

Мазкур кутубхонада замонавий ахборот технологияларини татбиқ этиш орқали махсус электрон база яратилган. Интернет хизматлари, ахборот алмашувининг электрон шаклини ривожлантириш бўйича ибратли ишлар амалга оширилди.

М. МУҲАММАДЖОНОВ

Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди

Халқимизга хос кўпга азалий қадриятлар, эзгу фазилатлар истиқлол йилларидагина ўзининг чинакам мазмун-моҳиятига эга бўлди ва ҳаётимиздан кенг ўрин олди.

Пушкин номидаги Самарқанд вилоят АКМ жамоаси ҳам Хотира ва Қадрлаш кунини маҳаллаларда, коллеж-лицейлар қошида, ҳарбий кутубхоналар билан ҳамкорликда кенг нишонланди. Жумладан, Мулофаа вазирлиги тасаруфидаги 526-сафарбарликка чақирув резерви билан “Хотира муқаддас, қадрлаш эса бурчдир”, Самарқанд шаҳридаги Навоий маҳалласи фуқаролари билан “Кексаларга эҳтиром”, Самарқанд ахборот технологиялари касб-хунар коллежи билан “Муҳаммад Юсуфни ёд этиб” номли тадбирлар ўтказилди. Ушбу тадбирларда АКМ нашриётида тайёрланган “Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди”, “Ёдимиздасиз” номли мултимедиялар намойиши ҳам ташкил этилди.

Шоир билан учрашув

Йил бошидан вилоят АКМ бўлим ва секторлари вилоятдаги “Қамолот” ЁИХ, Ёзувчилар уюшмаси, “SOS” болалар шаҳарчаси, мактаб-интернат, коллеж ва ҳарбий кутубхоналар билан шартнома ва чора-тадбирлар режаси тузган бўлиб, йил давомида ҳамкорликдаги ишлар бажарилиб келинмоқда.

Шундай тадбирлардан бири 5 май куни АКМнинг маънавий ва маърифат, ёшлар билан ишлаш бўлимида Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда ўтказилди. Самарқандлик шоир Хуршид Нуруллаев билан учрашув ташкил этилиб, унда вилоят Ёзувчилар уюшмаси раиси Ориф Ҳожи ҳамда Самарқанд ахборот-технологиялари касб-хунар коллежи талабалари ва фаол китобхоналар иштирок этишди.

Тадбирни АКМ директори Ш.Аҳмедова кириш сўзи билан очиб берди. Шундан сўнг шоир Хуршид Нуруллаев ижоди ва фаолиятига бағишланган мултимедия намойиш этилди. Шоир қатнашчиларга ўзининг янги шеърларидан ўқиб берди. Учрашув савол-жавоблар, таклиф-мулоҳазаларга бой тарзда ўтди.

Маҳбуба КУЛОВА,

АКМ илмий-услубият бўлими мудири

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Данғара почта алоқаси тармоғи ходими Икромжон АБДУВОҲИДОВни 60 баҳори, Қорақушчи, Учкўприк, Бешариқ почта алоқаси тармоқлари ходимлари Хайдарали КАРИМОВ, Умарали ХАЙИТАЛИЕВ ҳамда Олимжон АСҚАРОВларни 50 баҳори билан самимий табриқлайди. Уларга сўхат-саломатлик, узоқ умр, фарзандлар бахму иқболини кўришликни тилайди.

Тизим тезроқ йўлга қўйилса

➤ TAKLIF

“Фарғона Телеком” филиали Сўх телекоммуникациялар боғламаси туман аҳолисига алоқа хизмати-ни кескин яхшилаш йўлида астойдил иш олиб бормоқда.

Аҳолининг алоқа хизматида бўлган талаб-эҳтиёжларини қондириш мақсадида шароит-имкони бор жойларга телефон линиялари тортилиб, мижозларга қулайликлар яратиб бериляпти. Аммо, ҳозирги кунда тумандаги “Озод” ширкат хўжалигида жойлашган Тул, Қалъача, Ғазноб, Ленбург, Умба, “Девайрон”, “Хушёр” фермер хўжалиқларидаги Хушёр, Шарқобод, Сўх қишлоқ фуқаролар йиғини таркибиде жойлашган Чашма, Тариқ, Демурсад ҳамда “Навобод” маҳалласидаги Тошқўра сингари чекка қишлоқларни тўлиқ алоқа тизими билан таъминлашнинг ил-лажи бўлмаляпти.

Юқориде таъкидлаб ўтилган қишлоқ жойларидаги аҳоли, корхона, ўқув масканларидан телекоммуникация маъмуриятига “ЎзМобайл” алоқа тизими билан таъминлаш мақсадида тушайтган талаб-таклифлар тобора кўпайиб бормоқда.

Бу тизим тезроқ йўлга қўйилса, чекка қишлоқлар аҳолиси ҳам ушбу замонавий алоқа туридан бошқа юртдошларимиз каби фойдаланса, нур устиса нур бўларди.

Асқарбек АНБАРЖОНОВ

➤ FAXRIYLAR E'ZOZDA

Кадр

Халқимиз азал-азалдан кексаларга ҳурмат ва эътибор, муҳтожларга меҳр-оқибат кўрсатиш бобида тенгсиз тажрибага эга.

Айниқса, байрамларда, қувончли дамларда уларнинг ҳолидан хабар олиш, иззат-икром кўрсатиш ўзига ҳос анъанага айланган. “Ўзбекистон почтаси” ОАЖнинг Навоий филиали Хотира ва Қадрлаш кунини муносабати билан амалга оширилган хайрли тадбирлар фикримизни тасдиқлайди.

Почта алоқаси корхоналарида фаолият юритиб, ҳозирги кунда кексалик гаптинчи сураётган Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларини табриқлаш мақсадида Навоий вилоят алоқа ходимлари билан бирга уюшма кўмитаси билан ҳамкорликда тузилган тадбир режаси юз фоизга уқдаланди. Энг аввало, Нурута туманида истиқомат қилаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, урушдан кейин соҳада ҳалол меҳнат қилган ота-хонлар Музроб бобо Абдуразоқов ҳамда Ўроқбой ота Ўроловларнинг ҳолидан хабар олгани, уларга 100 минг сўмдан пул мукофоти ва кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари, қимматбаҳо совғалар топширилди.

Бундан ташқари, почта алоқаси корхоналаридан нафақага чиққан 152 нафар пенсионернинг ҳар бирига пул мукофоти ва вилоятнинг турли гўшаларида истиқомат қилаётган ўн нафар уруш ногиронига байрам совғалари улашилди.

Хотира ва Қадрлаш кунини меҳнат қилиб элда қадр топганларнинг қалбини қувончга тўлдирди, тақдирдан миннатдор фахрийларимиз тинч ва осойишта кунларга шукроналик келтирдилар.

М. ОТАҚУЛОВА

Навоий вилояти

**ШАХМАТЧИ
ҚИЗЛАРИМИЗ –**

ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

Филиппинда шахмат бўйича 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган Осиё чемпионатининг бешинчи тур учрашувлари якунланди.

Ўн икки ёшгача бўлган қизлар мусобақасида Баҳора Абдусатторова бешинчи турда ҳиндистонлик Рия Савантни мот қилди ва очколари сонини тўрттага етказиб, иккинчи ўринга қўтарилди.

Терма жамоамизнинг энг ёш аъзоси Дилбар Ҳамроева саккиз ёшгача бўлган қизлар мусобақасида муваффақиятли дона сурмоқда. Навбатдаги партияни мўғулистонлик Хуслен Батбаярга қарши ўтказган умидли шахматчимиз рақибасини енгиб, тўрт очко билан мусобақа жадвалида иккинчи ўриндан жой олди.

Ўзбекистонлик шахматчилардан Ортиқ Нейматов шри-ланкалик Тенна Кун, Нодирбек Ёқуббоев жанубий корейлик Чун Кум Хо, Саидлақбар Сайдалиев филиппинлик Эмануэл Палер, Гулруҳбегим Тоҳиржоновна мезбон шахматчи Мерлене Мембререга қарши учрашувларда зафар кучди. Бунгача уч партияни ғалаба билан якунлаган Жаҳонгир Воҳидов ҳиндистонлик Г.Стени билан дуранг ўйнади.

**НАДЕЖДА ДУСАНОВА
„БРИЛЛИАНТ ЛИГА“ ДАН
КУМУШ БИЛАН ҚАЙТДИ**

Хитойнинг Шанхай шаҳрида энгил атлетика бўйича „Бриллиант лига“ мусобақасининг иккинчи босқичида дунёнинг энг кучли спортчилари қаторида ҳамюртимиз Надежда Дусанова ҳам муваффақиятли иштирок этди.

Нуфузли мусобақада ҳамюртимиз баландликка сакраш бўйича 1 метру 90 сантиметр баландликни забт этди ва иккинчи ўринни эгаллади. Бу кумуш медал Надежда Дусанованинг май ойдаги кетма-кет иккинчи муваффақиятидир. Моҳир спортчимиз яқинда Жанубий Корейнинг Тегу шаҳрида ўтказилган „IAAF World Challenge“ мусобақасининг тўртинчи босқичида 3-ўринни эгаллаган эди.

**СУЗУВЧИЛАРИМИЗ
СОВРИНДОРЛАР
САФИДА**

Сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари – Даниил Букин ва Дмитрий Шведов Куала-Лумпур шаҳрида ўтказилган Малайзия очик чемпионатида совринли ўринларни эгаллади. Истеъдодли сузувчимиз Даниил Букин 100 метр масофага чалқанча усулда сузиш бўйича маррага биринчи бўлиб келди ва олтин медални қўлга киритди.

Дмитрий Шведов эса брасс усулида 200 метрга сузиш бўйича иккинчи кўрсаткични қайд этиб, кумуш медалга сазовор бўлди.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДАГИ РАҚИБЛАРИМИЗ

Мексика пойтахти Мехико шаҳрида 17 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида футбол бўйича жаҳон чемпионатида кураш ташлаш маросими бўлиб ўтди. Унга кўра, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси «D» гуруҳида АҚШ, Чехия ва Янги Зеландия терма жамоалари билан бир гуруҳдан ўрин эгаллади.

Мусобақадаги иштирокимиз 19 июн кuni Мексика вақти билан соат 15:00 (Тошкент вақти билан 01:00) Янги Зеландияга қарши ўйин билан бошланади. Хабарингиз бор, Океания минтақасига битта ўрин ажратилган бўлиб, бу йўлланма айнан Янги Зеландияга насиб қилди. Улар

қитъа чемпионати финалида Таитини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

АҚШ ўсмирлар терма жамоаси билан ўйин 22 июн кuni Мексика вақти билан соат 15:00 бошланади. АҚШ ўсмирлар терма жамоаси шу йилнинг феврал ойида бўлиб ўтган КОНКАКАФ

минтақаси чемпионатида 1-ўринни қўлга киритган.

Гуруҳдаги энг сўнгги ўйинимиз 25 июн кунига белгиланган. Мексика вақти билан соат 18:00 (Тошкент вақти билан соат 04:00)да бошланадиган баҳсда гуруҳдаги якуний ҳолатимиз белгиланади.

GRUPO A México Corea del Norte Congo Holanda	GRUPO B Japon Jamaica Francia Argentina	GRUPO C Uruguay Canada Ruanda Reino Unido
GRUPO D Estados Unidos República Checa Uzbekistan Nueva Zelanda	GRUPO E Burkina Faso Panamá Alemania Ecuador	GRUPO F Australia Costa del Marfil Brasil Dinamarca

**ОЛИМПИАЧЛАР АВСТРИЯГА, МИЛЛИЙ ТЕРМА
ЖАМОА УКРАИНА ВА ХИТОЙГА БОРАДИ**

Вадим Абрамов Ўзбекистон миллий терма жамоасининг 1 ва 4 июн кунлари бўлиб ўтадиган ўртоқлик учрашувлари учун таркибни эълон қилди. Шу кунлари Ўзбекистон терма жамоаси Украина ва Хитой терма жамоалари билан ўртоқлик учрашувида майдонга чиқишади.

Абрамов эълон қилган бу сафарги таркибдан 22 нафар футболчи жой олган бўлиб, уларнинг ичида бир қатор янги номларни ҳам учратишимиз мумкин.

„Навбахор“ сафида тўп сураётган Александр Шадрин Абрамов томонидан илк бор терма жамоа йигинига таклиф этилди. „Бунёдкор“ таркибида яхши таассурот қолдираётган Анвар Ражабов ҳам илк марта терма жамоа йигинларида иштирок этади. Икки футболчи ҳам ушбу ўртоқлик учрашувлари пайтида терма жамоадаги дебют учрашувини ўтказиши мумкин. Шу

нингдек, „Насаф“ ярим ҳимоячиси Илҳом Юнусов узоқ танаффусдан кейин терма жамоа йигинларида иштирок этиш имкониятига эга бўлмоқда.

Ушбу таркибдан ўрин олган футболчиларнинг ичида Корея „Кей“ лигасида тўп сураётган уч нафар легионеримиз Украинага қарши учрашувда майдонга чиқа олишмайди. „Кей“ лигада май охирида тур учрашувлари ўтказилиши боис улар тўғри Хитой терма жамоасига қарши учрашувга йўл олишади ва Хитойда таркибга қўшилишади.

Шунингдек, Максим Шацких, Одил Аҳмедов ва Марат Бикмаев ҳам битта учрашувда майдонга чиқиши кутилмоқда. Улар фақатгина Украинага қарши учрашувда майдонга чиқишади ва Хитойга қарши учрашувини ўтказиб юборишади.

Терма жамоамизнинг бу сафарги ўртоқлик учрашувларида

жароҳати туфайли Жасур Ҳасанов, Баҳодир Насимов, Виталий Денисов, Олим Навкаров ва Вагиз Галиулинлар майдонга чиқа олишмайди. Футболчиларнинг аксари энди жароҳатидан фориг бўлаётгани боис, Абрамов йигинга уларни таклиф қилмасликка қарор қилди.

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси бош мураббийи ҳам ҳисобланган Вадим Абрамов 25 майдан 8 июнга қадар Австрияда ташкиллаштириладиган халқаро турнирда иштирок этадиган таркибни ҳам маълум қилди.

Маълумки, Австриядаги халқаро мусобақада ўзбекистонлик футболчилар Голландия, Исроил ва Албания билан бир гуруҳда кураш олиб боришади. Ўйинлар тақвимини қуйидагича кўринишга эга: 27 май – Голландия, 30 май – Исроил ҳамда 3 июн кuni Албания билан ўйин ўтказилади.

„ПОРТУ“ – УЕФА КУБОГИ СОҲИБИ!

Чоршанба оқшомида Европа лигаси финали ўтказилди. Унда икки португал жамоаси – «Порту» ҳамда «Брага» голиблик учун баҳс олиб борди.

Учрашувда «Порту» фаворит эди. Финалгача бўлган йўлда Андре Виллаш-Боаш жамоаси ўз рақибларини бири-кетин янчиб келган бўлса, «Брага» кичик ҳисоблар эвазига кўзга кўринмаган ҳолатда финалгача етиб келди. Боз устига, «Порту» мамлакат чемпионатида ўз таъқибчиларини катта тафовут билан ортда қолдирди.



Лекин Европа лигаси финалида ҳар иккала жамоа бир-бирига муносиб ўйин кўрсатди. Иккинчи бўлимда «Брага» футболчилари бир неча бор дарвозабон билан бирга-бир вазиятга чиқиб борди. Аммо ҳужумчиларга маҳорат етишмади.

«Порту» томонидан киритилган ягона гол эса ўйин тақдирини ҳал қилди. Фалкао томонидан киритилган ушбу гол унинг Европа лигасидаги 17-голи бўлди. Бу сермахсуллик мутлак рекорд сифатида тарихга кирди. Шунингдек, Андре Виллаш-Боаш ҳам 33 ёшида мураббий сифатида Европа лигаси кубогини қўлга киритган энг ёш мураббийга айланди.

**ЕВРОПА ЛИГАСИ. ФИНАЛ
ПОРТУ (Португалия) – БРАГА (Португалия) – 1:0 (1:0)
Гол: 1:0 – Фалкао (44).**

ЭЪЛОН!

Тошкент ахборот технологиялари университети РРТ факултети 4-босқич талабаси Элбек Фарходович Қурбонов номига 2007 йил 2 сентябрда берилган 37RRT38 рақамли рейтинг дафтарида йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ахборот технологиялари университети РРТ факултети 4-босқич талабаси Гуломжон Қахрамонович Амирқулов номига 2007 йил 2 сентябрда берилган 37P015 рақамли рейтинг дафтарида йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўтганларнинг охириги обод бўлсин

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси «Иқтисод» кафедраси кабинет мудири Мусахон Юлдашевга падари бузруквор **Жўраҳожи отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Бахтли аёллардан бири



Орзу инсонга қанот бўлиб хизмат қилади. Айниқса, болаликдаги беғубор ниятлар доимо олға интилишга, бу йўлда қийинчиликлардан чўчimasликка чорлаб туради. Ва натижада ўша орзу амалга ошган кун унинг ҳаётида бахт пиллаояларидаги илк қадам бўлиб қолади. Пойтахтимиздаги нуфузли ўқув даргоҳларидан бири — “Шаҳодат-Нур-Файз” директори Нодирахон Мўминова ҳаёти бунга яққол мисолдир.

Нодира ҳали бола пайтидаёқ ҳаётнинг қаттиқ зарбасига учради. Тошкент попоп фабрикасининг қўли гул чевари бўлмиш онаси Шаҳодатхон ая оламдан ўтганда у эндигина олти ёшга кирган қизалоқ эди. Соғинган пайтларида онасининг меҳри ва мўъжизакор қўллари билан яратилган попоп гулларини силаб таскин топар, оиланинг кенжаси бўлганлиги сабаб Нозима опаси, Мирзабек ҳамда Шавкат акалари эркалатиб, унинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилишарди. Болалар қийинчилиги узокқа чўзилмади. Оила бошлиги Абдушукур ака Шаҳодатхон каби позика, камтар ва камсуқум аёл — Масъуда аяга уйланди-ю оилага қайтадан файз кирди.

Отаси фаолият юритадиган попоп фабрикаси ҳамда онаси ишлайдиган чинни заводда болалиги ўтган Нодира қалбидаги гўзалликка ошнолик кейинчалик чиройли кийимлар тикишга бўлган ҳавасга айланди. Кимнидир эғнида чиройли тикилган кийим кўрса, унинг тикилиш услубига эътибор бериб, ўзича қандай тикилишини чамаларди.

— Мактабнинг 7-синфида ўқирдим ўшанда, — дея эслайди Нодирахон. — Онам олиб берган қўйлақдан андоза олиб, ўзимга кийим тикканман. Мактабимизда ўтказилган шанбаликка кийиб борганимда, дугоналарим бирам ҳавас қилишдики... Шу тариқа кичик “чевар”га айлан-

дим — улардан буюртмалар қабул қила бошладим.

Бугина эмас, Нодирахон опаси Нозимахон билан газета-журналлардаги тавсияномалар асосида тайёрлаган пишириқларининг таъми оғизда қоларди. Улар дарсдан бўш пайтларида биргаликда пиширган турли-туман пишириқларнинг ҳам харидори кўп эди.

Лекин мактабни битирган Нодира тиббиёт соҳасини танлаганида дугоналари ҳайрон қолишди. “Нимага ажабланасиз, ахир кийим тикиш, мазали таомлару пишириқлар пишириш ҳар бир аёл билиши керак бўлган иш-ку”, — деган эди Нодирахон оддийгина қилиб. Мана шу сўзлари билан у ўз умр йўлини танлаб бўлганлиги кейинроқ билинди.

Гап шундаки, Охунбобоев номидаги тиббиёт техникумини битирган Нодирахон автомобил йўллари муҳандиси Эркин Мўминов билан турмуш қуриб, пойтахтдаги нуфузли модалар уйи тикувчиси Салимахон аяга келин бўлди. Салима аянинг уйига келиб буюртма берувчи мижозлари ҳам кўп эди. Нодирахон, табиийки, ишдан чарчаб келган қайнонасининг яқин ёрдамчисига айланганди. Шу тариқа болаликда ниш урган орзу аста-секин куртак ёза бошлади. Чеварликка иштиқоманд, чаққону зукко келин қайнонаси каби мижозлар кўнглини шод эта бошлади.

— Нодирахон қизим, — деди бир куни Салима ая. — Чеварликка анча кўлингиз келиб қолди. Лекин бу етарли эмас. Замонавий кийимларни

тикишни ўрганишингиз керак. Фарзандларингизга мен қараб турман. Сиз эса “Машҳура”да ўқинг.

— “Машҳура” ўқув маркази мустақиллигимиз шарофати билан ташкил этилган республикадаги биринчи ўқув маркази эди, — дейди Нодирахон. — У ерда опам иккимиз уч ой давомида ўқиб малака оширдик. Биздаги иштиқ, ҳаракатчанлик устозим Машҳура Юсуповага ёқиб қолди шекилли, бизни ўша ерда олиб қолди. Ўн беш йил давомида устозим билан ёнма-ён меҳнат қилиб, иш юритишни ҳам ўргандик. Сўнг 1995 йилда “Шаҳодат-Нур-Файз” ўқув марказини очдик. Марказимиздаги ўқув ишлари “Машҳура” ўқув маркази дастури асосида олиб борилади. Яъни, марказимиз “Машҳура”нинг бир бўлаги. Шу боис устозимиз олиб бораётган ишларимиздан доимо хабардор. Зарур пайтда кўмак ҳам беради.

Бугунги кунда “Шаҳодат-Нур-Файз” ўқув маркази ёшлар энг кўп ташриф буюрадиган масканга айланган. Дастлаб бичиш-тикиш, элита парда тикиш, қандолатчилик, компьютер сабоқлари, костюм-шим тикиш каби курслар билан иш бошлаган марказда айни пайтда сартарошлик, каштачилик, тўқиш, сунъий гуллар ясаш, массаж, рус ва инглиз тилларини ўрганиш каби бўлажак фарзанд тарбиячилари учун асқотадиган, турмушда ҳар қадамда керак бўладиган касблар ўргатилмоқда.

Марказ раҳбари Нодирахоннинг хушрўй чехраси-ю, ширин муомаласидан сўнг қизлар ўзларида аллақан-

дай эркинлик сезган ҳолда иштиқ билан касб ўргана бошлайдилар. Ва курс сўнггида миннатдорчилик билан хайрлашадилар.

— Мен бахтли аёллардан бириман, — дейди Нодирахон Мўминова. — Бахтим шундаки, аввало, Ўзбекистондай жаннатмонанд юртда туғилдим, қолаверса, онажонимнинг ўрнини боса олган меҳрли онам қўлларида вояга етдим. Улар ҳамма фарзандларини ўқитиб, олий маълумотли қилдилар. Олдинги турмуш ўртоғи билан ўн беш йил яшаб, фарзанд кўрмаган аёлни бизга бўлган оқибатлари сабаб Аллоҳ икки нафар фарзанд билан сийлади. Ҳаммамизни уйли-жойли қилган Масъуда онам ҳозир меҳр-ардоғимизда, невараларини тарбиялаш, улар тўйларини ўтказиш билан банд.

Дарвоқе, Нодирахоннинг икки қизи — Ноилахон ва Рухсоракхон оилали, кенжа Гулсанамхон эса мактаб ўқувчиси.

— Бизники каби ўқув марказларининг аҳамияти катта, — дейди Нодирахон. — Биз ўргатаётган касблар ҳар бир қиз билиши керак бўлган хунарлардир. Шу сабаб ишимизга жиддий муносабатда бўлиш талаб этилади.

Юртимизда тадбиркорларга яратиб берилаётган шароитдан унумли фойдаланиб, эзгу ишларга бош бўлаётган Нодирахон ва Нозимахонларга ишларида омад, ўзларига сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Муборак МИРКАМолова,
“Xabar” мухбири

Хабарлар олами билан танишни хоҳлайсизми?

АКТ соҳасидаги энг сўнги янгиликлар, ўзгаришлардан воқиф бўлимоқчимисиз?

Бадий осарлар, детектив-саргузаштлар, ҳикоялар ўқишмоқчимисиз?

Алоқачи ҳамкасбларингиз ҳаёти ва фаолияти қизиқтирадими?

Реклама, эълон ва қутловларингизни энг мақбул нархларда чоп эттирмоқчимисиз?

унда газетамизга жорий йилнинг иккинчи ярми учун ҳам обуна бўлишни унутманг!



Нашр курсаткичи — 228.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусанд КҮЧИМОВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Ҳаким МУҲИТИНОВ (Хайфат раиси), Асаджон ХҲЖАЕВ, Миродил САНГИЛОВ,
Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувоп НАҲБИДДИНОВ,
Рустам ҚОСИМОВ, Абдуҳан АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланши мумкин.
Наширимиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал —

Реклама матнларининг тўричилиги тахририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор шоҳкўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума кунини чиқади

“Шарқ” нашриёт-мағбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Манзили: Тошкент шаҳри,
“Буёқ Турон” кўчаси, 41-уй.

G-502 сонли буюртма. Оффсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 16177 нусха.

Видеот муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода 223-27-85 Гулистонда 40-12-19 Жиззахда 226-06-34 Навоийда 225-91-10 Наманганда 226-61-85 Нукуса 554-35-45 Самарқандда 233-61-81 Термизда 224-06-12 Тошкентда 288-40-66 Урганчда 226-37-16 Фарғонада 226-87-71 Қаршида 314-08-99